

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат”  
кафедраси**

**УРАЛОВ САРБОН САРДОРОВИЧ**

**Хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этиш коррупцияга қарши  
курашиш усули сифатида**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: ю.ф.н. Шодиев Ғ.М.**

**ТОШКЕНТ-2020**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. ХУФЁНА ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ҲАМДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР</b>	
<b>1.1 Хуфёна ва норасмий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг юридик табиати</b> .....	<b>10</b>
<b>1.2 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётнинг коррупция билан ўзаро боғлиқлиги</b> .....	<b>20</b>
<b>1.3 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этишда миллий қонунчилик таҳлили</b> .....	<b>31</b>
<b>II БОБ. ХУФЁНА ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАМДА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
<b>2.1 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашиш миллий тизими ва мавжуд муаммолар</b> .....	<b>44</b>
<b>2.2 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик</b> .....	<b>53</b>
<b>2.3 Яширин иқтисодиётга қарши курашишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари</b> .....	<b>66</b>
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>73</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>77</b>
<b>ИЛОВА</b> .....	<b>85</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ривожини янги палласини бошлаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепсияси тасдиқланди. Бу борада олиб борилаётган изланишлар ҳамда янгиликлар ушбу тадқиқот ишини янада бойитиш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь ойда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳам айнан яширин иқтисодиётнинг улуши ортиб бораётганлигини, 2019 йилда яширин иқтисодиётнинг улуши ЯИМнинг деярли 50 фоизига тенг эканлигини таъкидланиши, албатта ачинарли ҳолдир<sup>1</sup>.

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Тадқиқот ишини ёритиш учун унинг асосланиши ва долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

- 1) хуфёна ва норасмий иқтисодиёт тушунчасини назарий жиҳатдан ёритиш ва уларни фарқлаш;
- 2) хуфёна ва норасмий иқтисодиётни содир этилишига сабаб бўлаётган тизимли камчиликларни қайта кўриб чиқиш;
- 3) иқтисодиёт секторидаги давлат назоратини либераллаштириш;
- 4) давлат активларини ўзлаштирилишини олдини олиш чораларини такомиллаштириш;
- 5) яширин иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни янгича услубини ўрганиш;
- 6) яширин иқтисодиёт салмоғини камайтириш мақсадида комплекс чоратadbирлар ишлаб чиқиш ва қонунчиликка таклифлар киритиш;

---

<sup>1</sup> www.lex.uz

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, аҳоли демографиясининг ошиши, глобаллашув жараёнининг мавжудлиги, космополитизм ғояларининг мавжудлиги иқтисодий жиноятларнинг потенциал сонини ошиб боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Жаҳон ҳамжамияти жиноятлардан ёки бошқа ноқонуний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш иқтисодий хавфсизликка глобал таҳдид бўлиб келганлигини тан олмоқда, шунинг учун ҳам давлатлар ушбу ижтимоий хавfli фаолиятга қарши курашда миллий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам чоралар кўришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги вақтда яширин иқтисодиёт билан курашиш кўплаб олимлар ва амалиётчилар учун долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммонинг айрим масалалари бир қатор диссертациялар, алоҳида тадқиқотлар ва жиноят ҳуқуқи бўйича мақолаларда ишлаб чиқилган. Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш доирасида Европа Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш дастури (АС), Легализацияга қарши курашиш (AML), Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (GRECO), Пулни легаллаштиришга қарши кураш бўйича экспертлар қўмитаси (MONEYVAL), OECD, ACCA, IAACA, EGMONT GROUP, OLAF доирасида тавсиявий характердаги стандартлар таҳлили кўриб чиқилган. FATF (Financial Action Task Force on Money Laundering). Annual Report-томонидан берилган тавсиявий характердаги кўрсатмалари ўрганиб чиқилган.

Миллий олимларимиздан: М.Х.Рустамбаев<sup>2</sup>, Е. Коленко<sup>3</sup>, С.С.Ниёзова<sup>4</sup>, В.Каримов<sup>5</sup>, Б.Пўлатов, Х.Каримов, А.Т.Бердиев<sup>6</sup>, Т.Р.Кучкаров,

---

<sup>2</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 529 бет.

<sup>3</sup> Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт». -Ташкент: Chashma Print.-25 стр.

<sup>4</sup> Ниёзова С.Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Ю. ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т.-85 бет.

<sup>5</sup> Каримов В. Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказидиган тезкор-қидирув тадбирлари. Қўлланма (практикум)Т. -56 бет.

<sup>6</sup> Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. -96 бет.

А.А.Отажонов<sup>7</sup>, Қ.Р.Абдурасулова<sup>8</sup>, У.Нигмаджанов<sup>9</sup>, Ж.Сирожев<sup>10</sup>, М.М.Каландаров<sup>11</sup>, И.Астанов<sup>12</sup> ва бошқалар иқтисодий ва коррупцияга оид жиноятларнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилганлар.

Диссертация ва авторефератлар доирасида рус олимларидан Лопашенко Н.А.<sup>13</sup>, Тосунян Г.А., Иванов Э.А.<sup>14</sup>, V.P.Kirilenko, R.V.Dronov<sup>15</sup>, Попов Ю.Н., Тарасов М.Е.<sup>16</sup> ва бошқаларнинг асарлари ўрганилди.

Шунингдек, хориж олимларидан Axel Dreher, Friedrich Schneider<sup>17</sup>, Thomas, Jim J.<sup>18</sup>, Schneider, Friedrich and Dominik Enste<sup>19</sup> ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари ўрганилди.

Тегишли илмий ишланмалар натижалари жиноятчиликка қарши кураш амалиётида акс эттирилган ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, яширин иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш муаммосининг илмий ривожланишининг ҳозирги ҳолати турли хил таърифлар ва баҳолар мавжудлиги билан тавсифланади ва шу пайтгача унинг концепцияси ва хусусиятлари бўйича консенсус мавжуд эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимлари яширин иқтисодиёт масаласини

---

<sup>7</sup> Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. -124 бет.

<sup>8</sup> Абдурасулов Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>. -74 p.

<sup>9</sup> Нигмаджанов У. О вопросах имплементации отдельных положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции в законодательство Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборотномаси, № 4 (36), 2018.-36 стр.

<sup>10</sup> Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдишлари, коррупцияга қарши кураш усуллари // [http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT\\_ID=24676](http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_ID=24676), -25 б.

<sup>11</sup> Каландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йули билан талон-торож килиш: жиноят-хуқуқий ва криминалогик жиҳатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т. -45 бет.

<sup>12</sup> Криминалистика: Дарслик / Т.В.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 380-бет.

<sup>13</sup> Лопашенко Н.А. Некоторые проблемы наказания за преступления в сфере экономической деятельности // Законность. - 1997. -76 стр.

<sup>14</sup> Тосунян Г.А., Иванов Э.А. Влияние законодательства на теневой и криминальный оборот капитала в России // Гос. и право. -32 стр.

<sup>15</sup> V. P. Kirilenko, R. V. Dronov Corruption and Its Correlation to Shadow Economy. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)

<sup>16</sup> Попов Ю. Н., Тарасов М. Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства. М., 2005. -20 стр.

<sup>17</sup> Corruption and the shadow economy: an empirical analysis Axel Dreher Friedrich Schneider cesifo working paper no. 1653 category 1: public finance january 2006. -71 p.

<sup>18</sup> Thomas, Jim J. (1992): Informal Economic Activity, LSE, Handbooks in Economics, London:Harvester Wheatsheaf. -96 p.

<sup>19</sup> Schneider, Friedrich and Dominik Enste (2002): The Shadow Economy: Theoretical Approaches, Empirical Studies, and Political Implications, Cambridge: Cambridge University Press. - 46 p.

тегишли назарий ва амалий даражада ўрганмаган, бу эса ушбу муаммони ўрганишни тақозо этади.

Шу билан бирга, қайд этилган жинойий ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш Ўзбекистон Республикасида жойлашган ўтиш даврининг қийинчиликлари ва барча ҳуқуқ соҳаларига таъсир этувчи умумий ҳуқуқий ислоҳот шароитлари билан анча мураккаблашади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг янги шароитларда иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг кўплаб масалалари ўрганилмаган. Аввало, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

тегишли хатти-ҳаракатларни иқтисодий жиноятлар деб тан олишнинг асослари ва тартибини, уларнинг илмий тушунчаларини, шунингдек, жинойий ҳуқуқдаги ўрни ва ролини белгилашда ягона ёндашувнинг йўқлиги;

иқтисодий жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш шартлари ва тартиби;

иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни аниқлаш;

иқтисодий жиноятлар натижасида давлатга етказилган моддий зарарни ҳисобга олиш тизими.

Назарий жиҳатдан кам ўрганилган ва амалда ҳал этилмаган жуда муҳим долзарб муаммоларнинг мавжудлиги диссертация мавзусини танлашни белгилаб берди.

Албатта, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлган яширин иқтисодиётга қарши курашишни ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш комплекс ёндашувни талаб қилади, унинг доирасида ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув жиҳатлари кўриб чиқилиши керак.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Диссертация тадқиқотининг объекти сифатида яширин иқтисодий фаолият натижасида давлат ва жамиятга зарар етказилишини олдини олиш, бунга замин яратиб бераётган коррупциявий омилларни бартараф этиш, унга қарши курашиш бўйича ташкилий ва бошқарув

чораларини ўз ичига олган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Худди шу ўринда тадқиқот иши хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашишнинг чора-тадбирлари ҳамда механизмлари қамраб олади.

Тадқиқотнинг предметини эса хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашишнинг самарадорлигини оширишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари.** Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим элементларидан бири бўлган хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини кўриб чиқиш, уларнинг моҳиятини ўрганиш, шунингдек, ушбу асосда жиноят қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, хуфёна ва норасмий иқтисодиёт тушунчаларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиш ҳамда уларнинг ўхшаш жиҳатларини таққослаш ва фарқлашдан иборат бўлиб, уларга қарши курашишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, қонунчиликка таклиф ва тавсияларни бериш вазифа қилиб белгиланган.

**Тадқиқотнинг методологик тавсифи.** Ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни илмий билишнинг диалектик усули ҳисобланади. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларини қуриш бўйича энг муҳим назарий қоидалар, ҳуқуқнинг умумий назарияси, жиноий, фуқаролик, маъмурий, меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқ соҳаларидаги олимларнинг ишлари кенг ёритилган. Шу билан бирга, диссертацияда иқтисодий соҳадаги илмий ишлар, мақолалар, халқаро ҳуқуқ ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқа илмий ишларга оид манбаалар ёритилган.

Илмий билишнинг расмий ҳуқуқий, қиёсий ҳуқуқий, тарихий, мантиқий ва бошқа усуллари қўлланилди.

Ўрганилаётган муаммо, уни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш бўйича зарур маълумотларни тўплаш имконини беради. Шу мақсадда муайян социологик сўров, хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, солиқ тўловларидан қочиш, давлат мулкани талон-тарож қилишга қарши кураш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг янгилиги.** Коррупцияга қарши курашишнинг факторларидан бири ҳисобланган хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, иқтисодиёт бошқарувидаги тизимли камчиликларни бартараф этган ҳолда ислоҳ қилиш, ҳамда давлат назоратини такомиллаштиришдан иборатдир. Шунингдек Жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар томонидан яширин иқтисодиётга қарши курашиш доирасида илгари сурилаётган стратегик тавсияларни ўрганган ҳолда миллий иқтисодиётимиз ва бошқарув тартибимизга мос бўлган илғор хорижий тажрибани миллий қонунчилигимизга жорий этишдан иборатдир.

**Диссертация ишининг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг **илмий аҳамияти** шуки, муаллиф томонидан иқтисодий жиноятларга қарши курашишдаги муносабатларни соддалаштириш ва аниқлаштириш, фанда хуфёна ва норасмий иқтисодиётнинг тушунчаларини ёритиш, унга қарши курашиш борасида ишлаб чиқилган назарий хулоса ва қоидалар, шунингдек ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитишга ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади.

Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти эса**, мавзу юзасидан ўтказилган тадқиқот натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан Олий суд Пленуми қарорларини ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларини яратиши билан белгиланади.



Шу билан бирга, тадқиқотнинг натижалари коррупцияга қарши курашишнинг институтларини тартибга солишни оптималлашувига хизмат қилади.

**Диссертациянинг тузилиши.** Тадқиқот ишимиз кириш, иккита боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# **I БОБ. ХУФЁНА ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ УМУМИЙ ТАВФСИФИ ҲАМДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР**

## **1.1 Хуфёна ва норасмий иқтисодиёт тушунчаси ва унинг юридик табиати**

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Энг қувонарлиси, тадбиркорлар қўлга киритган сармояси орқали нафақат ўз оиласи бюджетини тўқис қилаётганлигини, балки мамлакатимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлигини кўришимиз мумкин. Аммо юртимизда “яширин иқтисодиёт”нинг борлиги иқтисодиётимизнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатаётгани ачинарли ҳолдир.

Миллий олимларимиздан М.М.Қаландаровнинг таъкидлашича, яширин иқтисодиёт – анъанавий статистик усуллар билан қайд қилиб бўлмайдиган иқтисодий фаолият<sup>20</sup>. Хусусан, бошқа бир фикрга кўра, яширин иқтисодиёт - бу расмий статистика томонидан ҳисобга олинмайдиган ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган моддий товарларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, алмашиш ва тарқатишни англатади. Учинчи нуқтаи назар шундан иборатки, В.Ю.Буровнинг таъкидлашича, "яширин иқтисодиёт" бу одамда турли иллатларни кўзғатадиган эҳтиёжларни шакллантириш ёки кондирришга қаратилган турли хил фаолиятдир<sup>21</sup>. Юқоридаги таърифларнинг ҳар бири ўз-ўзидан тўғри. Яширин иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар ижобийдан кўра салбий эканлигини кўришимиз мумкин. Бироқ, расмий статистикада акс эттирилмаган ёки умуман ҳужжатлаштирилмаган кўплаб иқтисодий фаолият турлари мавжуд. Ушбу ҳодисалар бошқача номланади: "ер ости иқтисодиёти", "норасмий иқтисодиёт", "иккинчи иқтисодиёт", "яширин

<sup>20</sup> Қаландаров М.М. Узлаштириш ёки растрата йули билан талон-торож қилиш: жиноят-хукукий ва криминологик жиҳатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т. -45 бет.

<sup>21</sup> Буров В. Ю. Экономическая безопасность субъектов малого предпринимательства в условиях теневых экономических отношений // Безопасность бизнеса. 2012 г. -109 стр.

иктисодиёт" ва ҳоказо. Ушбу номларнинг “яширин иктисодиёт” деб номланган тури рус адабиётларида кенг қўлланилганлиги туфайли омма орасида ҳам шундай ном билан “машхур” бўлиб қолмоқда<sup>22</sup>.

Яширин иктисодиёт - давлат ҳисоби ва назорати доирасидан ташқарида ривожланаётган ва фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти. Яширин иктисодиёт том маънода хуфёна ва норасмий секторларга бўлинади.

Хуфёна иктисодиёт - бу амалдаги давлат қонунлари ва жамият қоидаларини четлаб ўтиб, фуқаролар ўртасида ўзаро ривожланадиган, иктисодий фаолият тури ҳисобланади. Ушбу фаолият даромадлари яширин бўлиб, солиққа тортиладиган иктисодий фаолият тури бўлиб ҳисобланмайди.

Норасмий иктисодиёт – бу эса давлат томонидан тартибга солинган бўлиб, унинг фаолиятини назорат қилиш механизмлари ишлаб чиқилганлиги ва бундай фаолиятдан олинган даромадларни солиққа тортиш назарда тутилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу механизмлардан қочган ҳолда фаолият юритувчилар доираси норасмий секторда ўз аксини топади.

Т. Ашубековнинг илмий ишларида яширин иктисодиёт тушунчаси — иштирокчилар томонидан ошқора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иктисодий жараёнлар, иктисодий фаолият турлари бўлиб ҳисобланади, деб айтилган<sup>23</sup>. Яширин иктисодиёт ошқора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол жараёнлари иктисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки гуруҳ манфаатлари ётади<sup>24</sup>. Яширин иктисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

Яширин иктисодиётнинг мақсади, фаолияти ва иктисодий-ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

<sup>22</sup> Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/ЕЕС) -52р..

<sup>23</sup> Ашубеков Т. Борьба с правонарушениями в сфере экономики // Законность. - 2000. - № 9. – С.9-13

<sup>24</sup> С.С.Ниезова Ўзгалар мулкни иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: ю.ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т. -85 бет.

1) жиноий иқтисодий фаолият – бу мутлақо ман этилган, қонун йўли билан таъқиб этиладиган ишлар билан шуғулланиш, нарқобизнес, порнобизнес, қурол бизнеси ва ҳ.к.;

2) ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш, ўғирлик, босқинчилик, рекет, порахўрлик;

3) иккиламчи иқтисодиёт — кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат этилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Уларга яширин тадбиркорлик, 1—2 ва 5—10 киши банд бўлган яширин кичик корхоналар фаолиятини киритишимиз мумкин. Яширин тадбиркорлик хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, кийим-кечак ишлаб, саноат ишлаб чиқаришда кенг тарқалган;

4) расман рухсат этилган фаолият билан бирга қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очик ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) мансабни суистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар. Булар жумласига давлат идораларидаги порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин;

6) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият, бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидаги қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олишни киритиш мумкин<sup>25</sup>.

Хуфёна ва норасмий иқтисодиёт давлат ҳисоби ва назорати доирасидан ташқарида ривожланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти ҳисобланади. Е.В.Коленкониинг таъкидлашича, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини, энг аввало, иқтисодий товарлар ва тадбиркорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва

---

<sup>25</sup> Болотский Б.С. «Теневые» параметры реформируемой экономики // Рос. экон. журн. – 1996. -108 стр.

истеъмол қилишни давлат томонидан назоратсиз амалга оширилишини таъминловчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, деб баҳоланган<sup>26</sup>.

Хуфёна ва норасмий иқтисодиёт иқтисодиётнинг ҳуқуқий ва реал секторлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўз фаолиятида давлатнинг хўжалик юритувчи субъекти сифатида иқтисодий муносабатларга киришмаган ҳолда, давлат хизматларидан, унинг моддий ва ижтимоий омилларида, меҳнат ва бошқа ресурсларидан фойдаланади. Бу эса давлат иқтисодиётини тақчилликка, бюджет параметрларини бузилишига сабаб бўлади.

Яширин иқтисодиёт атамаси расмий жиҳатдан ўтган асрнинг 70-йиллар бошларида пайдо бўлган. Даромадларни яширишни ва уларни реализация қилиб олишнинг ижтимоий усуллари қамраб олган фаолият сифатида қаралган. Маҳаллий илмий адабиётларда ушбу атаманинг ишлатилиши 1961 йилда СССР Жиноят кодекси кучга киргандан кейин иқтисодий фаолиятнинг "хуфёна" ўсишини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларда ишлатила бошланган<sup>27</sup>.

1980-йилларнинг ўрталарига келиб маҳаллий, илмий ва иқтисодий жабҳада яширин иқтисодиётга қизиқиш сезиларли даражада ошди. Бунга норасмий иқтисодиётнинг кенгайиши, криминаллашуви ва яширин иқтисодиётнинг миллий иқтисодиётдаги роли ортиши билан боғлиқ мезонлар сабаб бўлган. А. Гуров, Т. Корягина, А. Крилов, О. Осипенко, М. Шабанова, В. Рутгизер, В. Силласте ва бошқаларнинг асарлари ушбу муаммоларни ўрганишга бағишланган, аммо яширин иқтисодиётни талқин қилишда жинорий тенденциялар устунлик қилди ва яширин иқтисодиётни баҳолашнинг статистик методологияси ҳисобга олинмади. Шу сабабли ҳам яширин иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш даврида учта кенгайтирилган элементни бирлаштирди:

---

<sup>26</sup> Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт». -Ташкент: Chashma Print, -25 стр.

<sup>27</sup> Викторов И. Свободные экономические и оффшорные зоны // Законность. - 2000. - № 11. -91 стр.

- норасмий, бу иқтисодий фаолиятнинг барча рухсат этилган турларини ўз ичига олади, улар ичида расмий статистика томонидан ҳисобга олинмайдиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши мавжуд эмас, бу фаолият солиқ тўлашдан яширинган бўлади холос;

- уйдирма, бу қалбаки рўйхатга олиш, иқтисодий ўғирликлар, спекулятив битимлар, порахўрлик ва пул ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай фирибгарликларни ўз ичига олади;

- ерости иқтисодиёти, бу қонун билан таъқиқланган иқтисодий фаолият тури ҳисобланади. Бундай турдаги иқтисодиётга халқаро миқёсда қарши курашиш мумкин бўлган криминал иқтисодий ишлар киради, яъни наркотик савдоси, қурол савдоси, порнографика савдоси, одам савдоси, фохишалик савдоси кабилар киради<sup>28</sup>.

90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб яширин иқтисодиётни илмий ишларда кенг муҳокама қилиш бошланди. 2000 йиллардан бошлаб барча иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар яширин иқтисодиётни бартараф этиш бўйича чоралар кўра бошлади. Бироқ, яширин иқтисодий жараёнлар муаммоларини ҳал қилувчи ягона ва умумэътироф этилган универсал чоралар ишлаб чиқилмаган. Бу эса иқтисодий фаолиятнинг кенг қамровлиги, иқтисодий манёврларнинг хилма-хиллиги, космополитизм ғоясининг тобора ривожланиб бориши билан белгиланмоқда. Ҳозирги кунда турли хил давлатларда яширин иқтисодиёт турлича ном билан кириб борган. Улар орасида жиноий, ер ости, қора, кулранг, иккинчи, ноқонуний, параллел, норасмий, ҳалокатли, ҳисобга олинмаган, хуфёна, яширин иқтисодиёт каби тушунчалар ўрин эгаллаган. Ушбу хилма-хиллик, қоида тариқасида, муаллифлар томонидан ҳал қилинган назарий ва амалий муаммоларнинг юридик табиати, шунингдек, тадқиқот методологиясидаги фарқлар туфайли юзага келганлиги билан изоҳланади. А.Т.Бердиевнинг қарашларига кўра,

---

<sup>28</sup> Волеводз А.Г. Межгосударственное сотрудничество в розыске, аресте и конфискации денежных средств и имущества, полученных преступным путем // Прокурорская и следственная практика. – 1998. -213 стр.

коррупция иқтисодиёт билан боғлиқ муносабатларда вужудга келишини ҳам юқоридаги тенденциялар билан боғлашимиз мумкин<sup>29</sup>.

Яширин иқтисодиёт соҳасидаги ҳар қандай фаолият жиноят ҳисобланади, аммо ҳар ким ҳам амалдаги қонунчилик нормаларига бўйсунмайди. "Иқтисодий жиноятлар" тушунчасини одатда қатъий жиноий-ҳуқуқий маънода аниқлаш жуда қийин ҳисобланади. Яъни бунда иқтисодий жиноятларнинг икки гуруҳини фарқлаш лозим бўлади:

Биринчи гуруҳ - солиқ тўлашдан яширишга мажбур бўлган тадбиркорларнинг фаолияти.

Иккинчи гуруҳ - бу солиқларни яширишдан ташқарига чиқадиган иқтисодий жиноятлар, бу нафақат бюджетга ва унинг турли фондларига, балки умуман жамиятга таъсир қилади. Курол-яроғ, гиёҳванд моддалар, давлат маблағларини ўзлаштириш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва бошқалар<sup>30</sup>.

Буларнинг иккаласи ҳам иқтисодий жиноятлардир. Улар биринчи гуруҳга қараганда бутунлай бошқача профилактика чораларини талаб қилади. Лекин аксар мамлакатларда биринчи гуруҳ билан иккинчи гуруҳ учун бир хил профилактика ишлари амалга оширилади. Бу эса ҳеч қандай самара бермайди.

Биринчи ва иккинчи гуруҳнинг шаклланиши тасодиф туфайли вужудга келмайди. Чунки бундай фаолиятда давлат назорати ўрнатилган. Лекин коррупция деган иллат эса бундай гуруҳларнинг шаклланиши учун замин яратиб бермоқда.

Юридик адабиётларда яширин иқтисодиёт субъектларининг учта гуруҳи шартли равишда ажратилган:

"Оқ ёқали" яширин иқтисодиёт - иқтисодчиларнинг иш жойларида яширин ва таъқиқланган иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари

---

<sup>29</sup> Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. -96 бет.

<sup>30</sup> Концепция Федерального Закона РФ «Об ответственности за легализацию преступных доходов». www.zakon.ua

тушунилади<sup>31</sup>. Бу қонун томонидан таъқиқланган бўлишига қарамай, қонундаги “оқ доғлар”, ҳуқуқий негилизм ҳамда иқтисодий манёврларнинг ҳар хиллиги туфайли юзага келмоқда. Бундан мақсад яратилган миллий даромадларни яширин равишда қайта тақсимлашдан иборатдир. Асосан бундай ишларни юқори мартабали ходимлар ("оқ бўйли ишчилар") "ҳурматли одамлар" олиб боришади, шу сабабдан "оқ ёқалилар" иқтисодиёти деб номланган. Масалан, "Оқ ёқалилар" жинояти, савдо-сотикқа зарар етказиш (рақобатни чеклаш назарда тутилмоқда), суғурта ва валюта қоидаларини бузиш, мансабдор шахслар томонидан порахўрлик, солиқ хизматларидан даромадни яшириш, пулни ўғирлаш, почта операцияларида фирибгарлик ва почта алоқаларини бузиш, каби жиноятларни киритишимиз мумкин.

"Кулранг иқтисодиёт" (норасмий иқтисодиёт деб ҳам аталади) яширин иқтисодиёт қонун томонидан руҳсат берилган, аммо рўйхатдан ўтмаган иқтисодий фаолият (асосан кичик бизнес вакиллари орасида шаклланади) оддий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишда намоён бўлади.

Бу яширин иқтисодиётнинг энг кенг тарқалган соҳаси бўлади. "Оқ" иқтисодиёт билан узвий боғлиқ бўлган ва унга паразитизацияланган "иккинчи" иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, "кулранг" кўпроқ автоном ишлайди. Яъни бундай фаолият тури тор доира вакиллари орасида шаклланади, даромадлар тор доирада тақсимланади, товарлар реализацияси ҳам тор доира вакиллари орқали амалга оширилади. Шу сабабли бундай сектор давлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан алоқага киришмайди. А.А.Отажонов бундай ижтимоий муносабатга қўйидагича фикр билдирган, кичик секторда яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеидан фойдаланишади<sup>32</sup>.

---

<sup>31</sup> Кофи А. Аннан. «Обновление Организации Объединенных Наций: программа для реформы». М., 1997. -98 стр.

<sup>32</sup> Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. -124 бет.



В.Ю.Голубовский ўзининг изланишлари давомида қора иқтисодиёт тушунчасини ёритган ва қўйидагича талқин қилган, "Қора иқтисодиёт" (уюшган жиноий иқтисодиёт) - бу таъқиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятдир. Гиёҳванд моддалар контрабандаси ва рекет каби жамиятни йўқ қиладиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни мисол қилишимиз мумкин<sup>33</sup>.

Адабиётларда яширин иқтисодиёт субъектларининг учта гуруҳи шартли равишда ажратилган:

биринчи гуруҳ - унинг тепасидаги соф жиноий унсурлар ва уларнинг ишчи кучлари: гиёҳванд моддалар ва қурол сотувчилар, рекетчилар, қароқчилар, қотиллар (пул эвазига), пимпслар, фоҳишалар, коррупцион ҳукумат амалдорлари;

иккинчи гуруҳ - яширин бизнес раҳбарлари (тадбиркорлар, ишбилармонлар, банкирлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шу жумладан хизмат кўрсатувчилар);

учинчи гуруҳ - жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари, кичик ва ўрта давлат хизматчилари, даромадларининг ярми пора эвазига келадиганлар.

Дарҳақиқат, тан олиш керак нақд кўринишдаги хорижий валюталар кўп ҳолларда айнан ноқонуний фаолият юритувчи шахсларда, ўзининг қанча миқдорда маблағи борлигини расман ошкор қилмайдиган коррупция вакилларида, контрабанда вакилларида, яширин тадбиркорлар томонидан муомалага киритилади. Чунки бу шахслар нақд хорижий валюта(қаттиқ валюта)нинг кучини билишади. Улар нақдсиз кўринишда хорижий валюталарни банкларда сақлайдиган бўлишса, бундай катта миқдордаги маблағларга нисбатан шубҳалар пайдо бўлишидан қўрқишади (шубҳали молиявий операция маҳсули деган гумондан сақланадилар). Шунинг учун ҳам доимий равишда нақд валютанинг муомаласи барқарор бўлишини чин дилдан исташади. Аслида яширин иқтисодиёт вакиллариининг аксар қисми

---

<sup>33</sup> Голубовский В.Ю., Кикоть В.Я., Калачев Б.Ф., Моднов И.С. Организованные преступные группировки в российском наркобизнесе на рубеже XXI века (концептуальное исследование и предложения): Учебное пособие. – СПб.: Издательство «Лань», ВНИИ МВД РФ, 2000. -256 стр.

фаолияти айнан нақд хорижий валюта билан олди-сотди қилишни талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, нақдсиз хорижий валюта тартибини такомиллаштириш яширин иқтисодиётни камайтиришга сабаб бўлади.

Албатта, орангизда чеклаш орқали яна нақд валютани тасарруф этиш эркинлигимиз чекланади, дейдиган инсонлар ҳам топилади, бироқ биз иқтисодиётни соғлом ривожланиши учун ҳам шундай йўл тутишимиз керак бўлади. Қ.Р.Абдурасулова бундай йўлни революцион йўл эканлигини, ривожланган давлатлар нақдсиз иқтисодиётга эволюцион йўл билан эришаётганлигини таъкидлаган<sup>34</sup>. Аммо, бу йўлни қўллаш учун аввало банклардаги нақдсиз хорижий валюта транзакциялари жараёнларини маҳаллий қисмини тезкор бўлиши учун хорижий валюталар айланиши учун ҳам миллий тўлов тизимини жорий қилиш (валюта савдосини ички бозорда чеклаш назарда тутилмоқда), етарли даражада хавфсизлик ва интеграция жараёнлари техник талабларга жавоб берадиган технологияларни татбиқ қилиш лозим бўлади. Аввал хорижий валютада нақдсиз муомалани мукамал йўлга қўйгач кейинчалик миллий валютадаги нақдсиз пул муомаласига тўлиқ ўтиш имкониятларини кўриб чиқса бўлади. Бироқ, эртами кечми қачондир нақд пулсиз иқтисодиётга ўтиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Ахир бутун дунёда рақамли пуллар, электрон пуллар ва виртуал пуллар оммалашаётган бир пайтда нақд пулларнинг муомаласини кўпайтириш иқтисодиётни либерализация қилиш учун - бир қадам олдинга, рақамли иқтисодиёт учун - икки қадам орқага юриш ҳисобланади.

2020 йил давлатимиз раҳбари томонидан “ Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши ҳам рақамли иқтисодиёт орқали яширин иқтисодиётга барҳам бериш назарда тутилганлигини инобатга олишимиз даркор. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда бирламчи ресурс сифатида, аввало, ўзимизда такомиллаштирилган узлуксиз сифатли хизмат кўрсатадиган

---

<sup>34</sup> Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>. -47 бет.

инфраструктура, ахборот технологиялари ва малакали кадрлар, сифатли давлат хизматлари ва омихта фаолият юритадиган монетар, фискал ва ташқи иқтисодий тармоқлари фаолиятини самарали йўлга қўйилишини таъминлаш талаб этилади<sup>35</sup>. У.О.Нигмаджанов бундай чора-тадбирлар БМТ Конвенциясидаги тавсияда кўрсатиб ўтилганлигини, уларнинг имплементациясини амалга ошириш масалаларини ўзининг илмий изланишларида акс эттирган<sup>36</sup>.

Ер юзидаги яширин иқтисодий айланма 90-йилларнинг сўнгида 8 трлн. долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5% га тенг бўлган<sup>37</sup>. Бирок яширин иқтисодий миқёси турли мамлакатларда турлича ҳисобда фарқланади. Яширин иқтисодий энг ривожланган мамлакатларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради. Масалан, 1998 йил Миср ва Нигерияда ялпи ички маҳсулотнинг 70% га тенг бўлди. Яширин иқтисодий ҳиссаси энг кам бўлган мамлакат Осиёда Япония (1—2%), Ғарбий Европада Швейцария ҳисобланади. МДҲ мамлакатларида яширин иқтисодий даражаси ўртача ҳисобда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, масалан, Италияда Яширин иқтисодийнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси тегишлича 11,4% ни ташкил этди (1998 йил маълумотлари)<sup>38</sup>. Коррупция илдизи қадимги Юнонистон давлатига бориб тақалсада ҳозирги кунгача унга қарши курашилмоқда. Унинг илдизини бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Бунинг изоҳи замон ривожланиши билан изоҳланади<sup>39</sup>.

Халқаро ташкилот бўлмиш АССА тадқиқотларига кўра, 2018 йилда норасмий иқтисодий ҳажми Россияда ЯИМнинг 39 фоизи, Озарбайжонда — 67 фоиз, Украинада -45,9 фоиз, Туркияда — 25,7 фоизни ташкил этади.

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь оyi. [www.pogma.uz](http://www.pogma.uz)

<sup>36</sup> Нигмаджанов У. О. вопросах имплементации отдельных положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции в законодательство Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборотномаси, № 4 (36), 2018. -36 бет,

<sup>37</sup> [http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja\\_istorija/doc](http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja_istorija/doc).

<sup>38</sup> [www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan](http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan).

<sup>39</sup> Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари // <http://surxondaryo.adliya.uz/> -45 бет,

Яширин сектор ҳажми Япония (10 фоиз) ва Хитойда (10,1 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичларга эга<sup>40</sup>.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, яширин иқтисодиётнинг ўртача дунё даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 17,2 фоизини ташкил қилади, аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда фарқ қилади. Масалан, 2019 йилги энг паст кўрсаткич Швейцарияда: 8,6%, Хитойда - 12,9%, Россияда - 43,6%, энг юқори кўрсаткич - Боливияда - 66,4% эканлигини кўришимиз мумкин<sup>41</sup>.

Кўришиб турибдики, яширин иқтисодиётнинг салмоғи барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон давлати ҳам бундан холи эмас. Мазкур тадқиқот ишимизнинг мазмун-моҳияти яширин иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улушини камайтириш (илова: 1А жадвал), уни бартараф этиш, нормал бозор иқтисодиётини таъминлаш, соф рақобатни йўлга қўйиш, монополияга барҳам бериш, бюджет тушумини оптималлаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тавсиялардан иборатдир.

## **1.2 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётнинг коррупция билан ўзаро боғлиқлиги**

Дунёда коррупция муаммоси кўпинча ҳуқуқий томондан кўриб чиқилади. Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан коррупция мавзусини ўрганишга бағишланган ишлар камдан кам учрайди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашадиган асосий қонун бу фақат тақиқловчи ва профилактик чораларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонунидир. Бу билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Коррупция билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий иқтисодий чоралар зарур бўлади. Шундагина коррупцияга қарши курашишнинг бир усули сифатида яширин иқтисодиётни бартараф қилишимиз мумкин. Худди шу ўринда, Ўзбекистон

---

<sup>40</sup> [www.accaglobal.com](http://www.accaglobal.com)

<sup>41</sup> [www.theworldbank.org](http://www.theworldbank.org)

Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди.

Яширин иқтисодиёт билан коррупция кўйидаги йўналишда кесишадилар ва мақсад “пул ювиш”дан иборат<sup>42</sup>:

биринчиси – тадбиркорлик фаолиятини тугатишда;

иккинчиси – коррупционер амалдорлар билан алоқага киришган ҳолда солиқ имтиёзларини қўлга киритиш, имтиёз ҳамда преференцияларни қўллашда;

учинчиси - солиқлардан қочиш, пулларни ювишда, даромадларни чет давлатларга олиб чиқиб кетишда<sup>43</sup>.

А.Т.Бердиев яширин иқтисодиёт маблағлар, хизматлар, кўчмас мулк, капитал товарларни легаллаштиришни талаб қилишини, буни қонун доирасида амалга ошириш мумкин эмаслигини, шунинг учун коррупция орқали амалга ошириш бўйича мансабдор шахсларга таклифлар пайдо бўлишини таъкидлаган<sup>44</sup>. Бундан ташқари, Н.А.Лопашенко легаллаштирилаётган мол-мулкнинг қиймати юқори бўлгани сингари коррупцияга нисбатан бўлган таклифлар ҳам шунча «қиймати баланд» бўлиши тўғрисидаги назарияни ёритиб берган<sup>45</sup>. Фикримизча, бу эса бевосита уюшган жиноий муҳитнинг вужудга келишини таъминламай қолмайди. Бу шуни англатадики, коррупцияга қарши кураш яширин иқтисодиётга қарши курашдан бошланиши керак.

Коррупцияга оид таклифлар мансабдор шахсларнинг ишониб топширилган пул маблағларини бухгалтерия ҳисоб-китоби билан

---

<sup>42</sup> Криминалистика: Дарслик / Т.В.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 380-бет.

<sup>43</sup> Лопашенко Н.А. Некоторые проблемы наказания за преступления в сфере экономической деятельности // Законность. - 1997. -108 стр,

<sup>44</sup> Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, -96 бет

<sup>45</sup>Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономической деятельности: понятие, система, проблемы квалификации и наказания. Саратов.1997. -179 стр,

ўзлаштириб юборишлари, пора олиш ва беришлари коррупция муҳитини яратади. Кўплаб давлат дастурлари, баёнотлар, фармонлар ва ҳатто қабул қилинган коррупцияга қарши қонунлар исталган натижага олиб келмаслигини жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтишимиз мумкин. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича иқтисодиёти бақувват бўлган давлатлардан бири бўлмиш Россия Федерацияси мисолида кўрадиган бўлсак, 2015 йил бошида Халқаро ташкилотлар Россия Федерациясини инвестиция киритилиши хавfli бўлган давлатлар рўйхатига киритишган эди<sup>46</sup>. Натижада давлат бюджети пасайишни бошлади, молиявий барқарорликка путур етказилди, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари зудлик билан тушиб кетди. Айнан шу даврда хусусий сектордаги иқтисодий фаолиятга ҳам иқтисодий танглик таъсир этмай қолмади. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, айнан шу давр мобайнида коррупциявий жиноятлар сони кескин камайди. Бунинг изоҳи сифатида юқорида айтиб ўтганимиздек, хусусий сектордан давлат амалдорларига коррупцион таклифлар келиб тушмаганлигидадир. Чунки уларнинг ўз молиявий барқарорлиги танг аҳволда эди. Аксар корхона ва ташкилотлар банкротлик ёқасига келиб бўлган эди. Иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ҳукумат харажатларни қисқартириш орқали макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликни кўллаб-қувватлайдиган инқирозга қарши режани ишлаб чиққан эди. Натижада РФ 2018 йилда ўз молиявий барқарорлигини таъминлаб олди. Иқтисодий кўрсаткичлар яна оша бошлади. Айнан 2018 йилга келиб яна коррупцион жиноятлар сони ҳамда яширин иқтисодиёт салмоғи ошганлигини кўришимиз мумкин.

А.А.Отажонов шундай фикрларни илгари сурганлигини кўришимиз мумкин, қабул қилинган "адолатли" қонунларнинг изчил ижро этилиши ҳукуматнинг обрўсини мустаҳкамлайди ва унинг халққа бўлган ишончини оширади, ислоҳотлар кўп жиҳатдан "юқоридан" ўтказилиши, халқнинг ички дарди билан ҳисоблашмасдан амалга оширилиши халқнинг эътирозига сабаб

---

<sup>46</sup> World Bank.org. Overview-2019. Doing Business database. WB 2019.

бўлиши мумкин<sup>47</sup>. Кўзда тутилган ислохот ўз натижасини бермаса, тадбиркорлар ўзининг иқтисодий фаолиятини давом эттириши учун, талафот кўрмаслиги учун ҳам «мартабали инсонларга» ўз фойдасини ўйлаб коррупциявий таклифлар билан чиқа бошлайди. Тадбиркор учун унинг тадбиркорлик фаолияти ривожланса, иккинчи томондан «мартабали инсонлар»нинг бойиб қолиш эҳтимоли кузатилади. Ушбу жиноий-иқтисодий фаолиятни фош этиш жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, манфаатлар тўқнашуви латентлик ҳолатини келтириб чиқаради. Айнан латентлик ҳолати яширин иқтисодиёт билан коррупцияни мустаҳкамламоқда дейишимиз мумкин<sup>48</sup>.

Иқтисодиётда рақобатни рағбатлантириш давлат сиёсатининг турли соҳаларда самарали амалга оширилишига боғлиқ: макроиқтисодий сиёсатдан тортиб (қулай инвестиция муҳити, молия ва солиқ тизимини ривожлантириш, маъмурий ва инфратузилма тўсиқларини камайтириш) фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишгача бўлган процедуралар давлат томонидан рағбатлантириб борилиши керак. Самарадорликни таъминлаш учун рақобат тизими очиқ ва эркин бўлиши керак. Монополияни йўқ қилиш керак. Давлатда монопол ташкилот борми, демак албатта унда яширин иқтисодий фаолият бўлади<sup>49</sup>. Яширин иқтисодиёт эса коррупция натижасида юзага келади. Ю.В.Латов ва С.Н.Ковалев ўзининг тадқиқот ишларида шуни таъкидлаганларки, монопол ташкилот тузилиши билан унга рақобатбардош бўладиган бир неча ташкилотларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир, акс “иқтисодий ўйинлар” уларнинг қўлида мужассамлашади<sup>50</sup>.

Яширин иқтисодиёт шароитида реал молиявий-иқтисодий операцияларни яшириш тури ва ҳажмига кўра коррупциявий тенденцияларни келтириб чиқаради. Биз бундай тенденцияларни қўйидаги 3 турга бўлишимиз мумкин:

---

<sup>47</sup> Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, -124 бет.

<sup>48</sup> Госунян Г.А., Иванов Э.А. Влияние законодательства на теневой и криминальный оборот капитала в России // Гос. и право. - 2000. -129 стр.

<sup>49</sup> Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>

<sup>50</sup> Латов Ю. В., Ковалев С. Н. Теневая экономика. М., 2006. -139 стр.

1) бухгалтерия ҳисобидан бутунлай чиқариб ташланган операциялар, яъни ҳисоб-китоб қилинмаган операциялар;

2) операциялардан тушган маблағларнинг бир қисмини яширишга қаратилган операциялар;

3) бошқа операциялар (сохта операциялар) ниқоби остида олиб бориладиган операциялар – спекулятив битимларни ҳам ўз ичига қамраб олади<sup>51</sup>.

Биринчи турдаги операциялар, ўз навбатида, тўлиқ рўйхатдан ўтмаган ёки расмий равишда рўйхатдан ўтмаган фаолият доирасида ҳам, қайд қилинган фаолият доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин<sup>52</sup>. Яъни бу хусусий сектордаги иқтисодиётда намоён бўлади. Бундай турдаги иқтисодий фаолият чет эл компаниялари билан тузилган шартномалар натижасида содир этилиш эҳтимоли юқори.

Иккинчи турдаги операция давлат хусусий шерикчилиги асосида фаолият юритадиган иқтисодий сектор ходимлари томонидан амалга оширилиш коэффициенти юқорилиги билан аҳамиятга эгадир. Бунда бир томон давлат ходимлари, иккинчи томон эса хусусий сектор ходимлари бўлади.

Учинчи турдаги операциялар асосан давлат ташкилотларида, давлатлараро тузилган шартномалар маҳсули асосида шаклланиши билан эътиборлидир.

"Сохта тадбиркорлик" тижорат ташкилотини кредит олиши, солиқлардан озод қилиниши, бошқа мулкӣ имтиёзлар олиниши ёки таъқиқланган фаолиятни амалга оширишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти ҳам яширин иқтисодиётни ташкил қилади. Бундаги коррупцияни вужудга келиш тенденциялари сифатида тадбиркорлик фаолиятини назорат қилувчи функция етарлича куч ва воситаларга эга эмаслиги, назорат қилувчи

---

<sup>51</sup> FATF (Financial Action Task Force on Money Laundering). Annual Report//materials on internet.

<sup>52</sup> Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шақуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т.: .: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -213 бет.



субъектлар хизмат вазифаларини лозим даражада бажаришмаётганлигининг махсули ҳисобланади. Шуниси эътиборга лойиқки, бозор иқтисодиёти шароитида яширин иқтисодий фаолият натижасида орттирилган мулк чет эл мамлакатлари томонидан қайтариб берилмайди (агар давлатлар ўртасида бошқача шартнома мавжуд бўлмаса), чунки улар хусусий бўлиб, уларнинг эгаси ўз мулкларини ҳар қандай мамлакатга инвестиция қилиш ҳуқуқига эгаллиги билан изоҳланади<sup>53</sup>. Шу сабабли яширин иқтисодий фаолият натижасида орттирилган мулклар чел давлатларга чиқариб юборилади. Чиқариб юбориш жараёни ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Албатта бунда коррупцион ҳолатларга йўл қўйилиши табиийдир. Мулкни чет давлатга чиқаришнинг ўзи алоҳида коррупцион механизм ҳисобланади<sup>54</sup>.

С.Ниёзованинг фикрича, сохта битим тузиш, яъни дастлаб ўз шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик нияти билан битим тузишдан иборат бўлган ижтимоий муносабат<sup>55</sup>. Қалбаки битим тузиш нияти унинг орқасида ноқонуний операция яширин эканлигини англатади, чунки бундай битимнинг бошқа мақсади мантиққа тўғри келмаслиги билан ифодаланиши мумкин. Сохта битим давлат назоратини чалғитиш мақсадида ёхуд назорат қилувчи шахсларнинг гуёки «назорат функциясини» амалга ошираётганлигини кўрсатиш мақсадида тузилади (коррупция эвазига, албатта).

Сохта (яъни сохта ёки бошқа шахсга тегишли бўлиб, унинг хабарисиз ва розилигисиз) ҳужжатлар остида рўйхатдан ўтказиш. Ушбу қоида тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги қонунни бузиш ниятида олинган маълумотларни яшириш ҳолатларини ўз ичига олади ва у молиявий-иқтисодий фаолиятни яшириш деб талқин этилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, сохта паспорт ва бошқа ҳужжатлар билан

---

<sup>53</sup> Easton S. The Size of the Underground Economy: A Review of the Estimates. Simon Fraser University. Jan. 2001. -67 стр.

<sup>54</sup> Попов Ю. Н., Тарасов М. Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства. М., 2005. -89 стр

<sup>55</sup> Ниёзова С. Ўзгалар мулкни иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Ю. ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 85 бет.

корхоналарни рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланадиган мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаётганлиги, ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти уставига мос равишда олиб борилмаётганлигини, етарлича назорат қилинмаслиги коррупциянинг маҳсули деган гумонни текшириш лозим бўлади.

Ж.А.Неъматовнинг фикрига кўра, солиқлар тўламаганлик фактини, шу жумладан схемаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш орқали яшириш мумкинлиги иқтисодий ҳаракатларни, асосан молия-хўжалик операциялари субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда, солиқларни тўлашдан бўйин товлash схемаларини ишлаб чиқиш ва ишлатишга халақит берадиган ва шу тариқа солиқ назорати тадбирларининг самарадорлигини оширишга қаратилган, деб изоҳлайди<sup>56</sup>. Албатта, бундай қарашлар солиқларни тўламаганлик фактини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси яширин иқтисодиётни бартараф этишда қўйидаги халқаро шартномаларга қўшилиши билан мустаҳкамламоқдалар.

-жиной фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Европа Кенгаши Конвенцияси (Варшава ш., 2005 йил 16 май);

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг аудиторлик халқаро ташкилотлари олий органлари (ИНТОСАИ, АСОСАИ и ЕСОСАИ)га қўшилиши ва хорижий давлатларнинг юқори даражадаги аудиторлик органлари ва етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш.

- АССА ташкилоти билан ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш керак деб биламиз.

В.П.Кириленко ва Р.В.Дронов яширин иқтисодиёт ва коррупцияни Сиям эгизакларига ўхшатишган<sup>57</sup>. Бу фикрларга қўшилмасдан иложи йўқ, албатта. Яширин иқтисодиёт коррупцияни юзага келтиради ва коррупция, ўз

---

<sup>56</sup> Неъматов Ж.А. АҚШ қонунларида ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик. // қонун химоясида 8/2001 йил. – 89 бет.

<sup>57</sup> V. P. Kirilenko, R. V. Dronov Corruption and Its Correlation to Shadow Economy. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)

навбатида, яширин иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши учун замин яратади. Биринчидан, яширин иқтисодиёт кенг миқёсда фақат давлат ва бошқарувнинг барча тизимларининг коррупцияси орқали мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин, деган қарашлар мавжуд. Иккинчидан, яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги иқтисод ва сиёсат соҳасида коррупция муносабатларини вужудга келтирмай қолмайди, иқтисод ва сиёсатга таъсир қилдими, демак лоббизмни ҳам четлаб ўтмайди. Учинчидан, коррупция яширин иқтисодиётни хуфёна равишда қолишга ва ноқонуний фаолият юритишга мажбур қилади. Тўртинчидан, коррупция яширин иқтисодиётнинг янги йўналишлари ва турларини шакллантириш учун замин яратади. Бешинчидан, яширин иқтисодиёт коррупциянинг молиявий асоси, коррупция эса яширин иқтисодиётнинг молиявий асоси ҳисобланади ва улар бир-бирларини тўлдириб келадилар. Бундан кўриниб турибдики, бежизга коррупция ва яширин иқтисодиёт Сиям эгизаклари деб номланмас экан<sup>58</sup>.

Ҳуқуқий жиҳатдан коррупция ва яширин иқтисодиётнинг шаклланиши кўйидагилар билан белгиланиши ҳам мумкин:

- очик тадбиркорлик фаолиятини ҳаддан ташқари тартибга солиб, ноқонуний фаолиятдаги масъулиятсизликка олиб келадиган қонун ҳужжатларидаги жиддий қарама-қаршилиқлар ва камчиликларнинг мавжуд бўлиши;
- қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши криминологик экспертизанинг йўқлиги;
- бузилган тизими (ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг "ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" профессионал жиноятчиликка қарши курашмайдилар)
- иқтисодий соҳада қаттиқ тизимли курашиш бўйича давлат дастурининг йўқлиги;

---

<sup>58</sup> V. P. Kirilenko, R. V. Dronov Corruption and Its Correlation to Shadow Economy. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru).

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳужумидан сақланиш учун ҳам ўз фаолиятларини яширин равишда амалга ошираётганлиги билан ифодаланади.

Маъмурий жиҳатдан коррупция ва яширин иқтисодийнинг шаклланиши қўйидагилар билан белгиланиши ҳам мумкин:

- тадбиркорликни самарали ривожлантиришга қаратилган самарали давлат бошқарувининг йўқлиги;

- тақиқловчи, жазолаш маъмурияти – яширин иқтисодий шаклланишига хизмат қилувчи механизми ҳисобланади. Бунинг учун давлат тадбиркорликни рағбатлантирувчи механизмни жорий этиши керак;

- маҳаллийчилик ва мансабдор шахсларнинг коррупцияга мойиллиги;

- тадбиркорлик фаолиятига фақат норасмий равишда "хайрия юқларини солиш" яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ундай бошлайди<sup>59</sup>.

Яширин иқтисодий ва коррупция муаммоси давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб қиладиган, давлат ва жамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиниши мумкин бўлган мураккаб тизимли муаммога айланиб бормоқда. Бизнингча, ушбу чора-тадбирлар тизимида асосий қарорлар қуйидаги чоралар бўлиши керак:

- иқтисодий рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

- нақд пулсиз тўловларни рағбатлантириш ва нақд пул айланмасини камайтириш;

- хусусий очик корхонани қўллаб-қувватлашнинг аниқ ва изчил давлат сиёсатини олиб бориш;

- жамиятнинг барча жабҳаларида, айниқса иқтисодийнинг молиявий секторида ва уюшган жиноятчиликка барҳам бериш.

---

<sup>59</sup> Неъматов Ж.А. Жиноий йўл билан топилган даромадни ошкорлаштиришга қарши кураш борасидаги жаҳон тажрибаси. «Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт» мавзусида халқаро илмий амалий конференция материаллари». Тошкент, 2001 йил. -91 бет.

Айтишимиз мумкинки, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга оммавий равишда курашиш самара беради. М.Собировнинг таъкидлашича, давлат ишчилари коррупцияга йўл қўймасликлари учун ўз вазифаларини қонуний олиб боришлари, тадбиркорлар эса ўз фаолиятини очиқ олиб боришлари учун давлатга ишонч бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши лозим, дейди<sup>60</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, агар шундай бўлса, яширин иқтисодиёт коррупциявий таклифларни вужудга келтирмаслигини, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатлар нормаллашувига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий аҳволи саноат ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва диверсификация қилиш, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш зарурлигини белгилайди. Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш масаласини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига хавф солувчи ташқи таҳдидлар билан бир қаторда, ички таҳдидлар ҳам мавжуд, шулар қаторида давлат идоралари ва ҳукумат тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияни алоҳида таъкидлашимиз керак. Буни тасдиқлаш учун бугунги кунда молиявий-иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида шахсий мақсадлар учун даромад олиш билан боғлиқ суиистеъмолликлар мавжудлиги тўғрисида эшитмаган одам йўқлигини таъкидлаш мумкин. С.Б.Чернов иқтисодий коррупция концентрланган шаклда турли хил ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади, бу нафақат иқтисодиётни йўқ қилишга ёки унинг бир томонлама ривожланишига, балки давлатнинг ўзгаришига олиб келишини ўзининг илмий изланишларида баён қилган<sup>61</sup>.

Албатта, коррупция натижасида бозор рақобати механизмларининг бузилиши юзага келади, бу иқтисодиётнинг маданий ва ҳуқуқий

---

<sup>60</sup> Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий – криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дар. олиш учун дисс. автореферати. Т., 2002. – 106 бет.

<sup>61</sup> Чернов С.Б. совершенствование государственной политики противодействия коррупции и теневой экономике. ГУУ; 2007. – 73 бет.

институтларини йўқ қилиш учун катта хавф туғдиради. Давлат амалдорлари билан хўжалик юритувчи субъектлар барқарор коррупцияни йўлга қўйиб, асоссиз устунликни қўлга киритиб олишади. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилади, ҳокимият вакиллари билан хўжалик юритувчи субъектларнинг тенглик принципи йўқолади, инвестиция муҳити ёмонлашади. Бу эса мамлакатга инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини орқага сурилишига сабаб бўлади. Ушбу қарорларни қабул қилиш механизмининг шаффофлиги самарадорликни ошириш учун тезкор тузатишга имкон бермайди.

Ҳозирги вақтда солиқ тизимини ислоҳ қилиш керак, бу эса даромадларнинг бир қисмини яширин соҳадан олиб чиқишга ёрдам беради. Инвестиция муҳитини яратиш лозим. Яширин ишлаб чиқариш корхоналарини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш эмас, балки имкон қадар уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш учун ҳуқуқий ёрдам бериш керак. Молиявий оқимлар устидан назоратни кучайтириш, даромадларни яширишнинг олдини олади, дейди Ф.М.Фазилов<sup>62</sup>. Бироқ, хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилганда, шу нарса аён бўлдики, молиявий ва иқтисодий фаолиятни қанча тартибга солиш ва назорат қилиш кучли бўлса, яширин иқтисодиёт ва коррупциянинг кўриниши ҳам шунга мутаносиб равишда яширин бўлиб бораверади.

Биз халқаро амалиётда қўлланилган ва қуйидаги соҳаларда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган коррупцияга қарши сиёсат чораларини амалга оширишни таклиф қиламиз:

1) жамоатчилик назорати идораларини ташкил этиш орқали коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш;

2) инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга тўсқинлик қилувчи коррупция омилларини бартараф этиш;

---

<sup>62</sup> Фазилов Ф.М. Легализация доходов, полученных от преступной деятельности (уголовно-правовые и криминологические аспекты). Монография. – Ташкент: ТГЮУ. 2020. – 180 с.

3) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини таъминловчи шакл ва усулларни киритиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий коррупцияга қарши дастурларда иштирокини кенгайтириш, шу жумладан ОЕСД тармоғи билан ҳамкорликни кенгайтириш лозим<sup>63</sup>.

Устав фондида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, жумладан:

1) коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» тизимини жорий этиш;

2) коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарти (ИСО 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш;

3) харид (ИСО 20400) ва коррупцияга қарши курашиш (ИСО 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш;

4) аффилиланган шахсларнинг харидларда қатнашишларига чекловлар белгилаш;

5) барча давлат тендерларини қамраб олиш учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳамма фойдалана оладиган ягона реестрини юритиш;

6) давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошкоралиги ва эркинлигини оширишдан иборатдир. Айнан шундай масалаларнинг очиқ қолганлиги яширин иқтисодиётни бартараф этишга тўсқинлик қилаётганлигини ҳамда коррупцияни шакллантираётганлигини кўришимиз мумкин<sup>64</sup>.

### **1.3 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этишда миллий**

#### **қонунчилик таҳлили**

---

<sup>63</sup> «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сонли Фармони. 2019 йил 27 май

<sup>64</sup>«Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сонли Фармони. 2019 йил 27 май.

Ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларидан бири Жиноят, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Ушбу ислоҳотлар жиноят кодексига жиноий жазоларни либераллаштириш масалаларига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларда ўз аксини топди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди.

Мазкур Қонун олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни либераллаштиришнинг натижаси бўлиб, уни амалдаги Жиноят кодексининг ислоҳ қилиниши, деб баҳолаш ҳам мумкин. Ушбу Қонун билан амалдаги Жиноят кодексининг 105 та моддасига жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди. Жиноят кодексига белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Хусусан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиноий жазо тизимидан айрим жазо турлари чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди, жиноят қонунчилигида ярашув институти жорий этилди, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун белгиланган муддатлар қисқартирилди<sup>65</sup>.

2008 йил 10 апрелдаги "Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун жарима жазосининг ижросини таъминлашга

---

<sup>65</sup> [https://www.minjust.uz/uz/library/human\\_rights/72859/](https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/)



қаратилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад, жиноят содир этган шахсга, иложи борича, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашдан иборатдир.

Шунингдек, 2010 йил 18 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан Жиноят кодекси янги норма, яъни айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш (57<sup>1</sup>-модда) бўйича алоҳида қоидалар белгиланди.

2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг изчил давоми бўлди. Ушбу Қонун билан киритилган ўзгартишлар, энг аввало, иқтисодиёт соҳасидаги идоралар ходимлари жавобгарлигини либераллаштиришда ўз ифодасини топди, "анча, кўп, кўп бўлмаган, жуда кўп миқдор" тушунчаларига ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг махсус қисмига "181<sup>1</sup>-модда Қасддан банкротликка олиб келиш", деган янги норма киритилди.

Фикримизча, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодиётимизни янада ривожлантириш учун замин яратмоқда. Жумладан тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имтиёз ва преференциялар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ амалга оширилаётган ишлар хуфёна фаолиятга чек қўйишни, тадбиркорлик фаолиятларини ошқора, расмий равишда олиб боришни таъминламоқда.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни енгиллаштирилганлиги сифатида Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 180, 181, 181<sup>1</sup>, 184, 185<sup>2</sup>, 192<sup>4</sup>, 192<sup>11</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан

махрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши белгиланди<sup>66</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармонида кўра мулкдорнинг манфаатларини ноқонуний аралашувдан ҳимоя қилувчи ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги катъий қоида қилиб белгилаб қўйилган.

Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузиш, фаолиятини ёки уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, муайян фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни рад қилиш ёки уни беришдан бош тортиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилишлар мамлакатимизда хуфёна иқтисодиёт улушини камайтириш учун, тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини ошқора тарзда, расмий секторда фаолият кўрсатишларига хизмат қилувчи чора-тадбирлар ҳисобланади.

Бу каби ғайриқонуний ҳаракатларнинг юқори хавфлилиги иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқий тартиботнинг бузилишидан, мансабдор шахсларнинг ўрнатилган давлат интизомини сусайтириб юборишидан иборат бўлади ва булар давлат ҳокимиятидан шахсий манфаатларда фойдаланиш ва ҳоказоларга олиб келади. Айбдорларнинг қайд этилган ҳаракатлари иш ҳолатларига ва келиб чиққан оқибатларга қараб, Жиноят кодекси XIII-1-бобидаги тегишли моддалар билан (Жиноят кодекси 205 ёки 207-моддаси билан эмас), ғаразли мақсадлар аниқланганда эса, бу ҳаракатлар товламачилик йўли билан пора берилишини талаб қилишнинг ниқобланган

---

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" Қарори. 2004 йил 21 май, 4-сон

шакли деб тавсифланиши лозим деб белгиланган<sup>67</sup>. Жиноятнинг бундай квалификация қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги (ЖКнинг 179-моддаси) ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкӣй фойдани олиш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож қилишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлash ва ҳоказолар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлаш учун асос бўлиши мумкин<sup>68</sup>. Фикримизча, бундай қилмиш учун жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиш, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга оширилишига жиддий зарар етказди ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳам оғирлаштиради. Бу эса, ўз навбатида янги тадбиркорларнинг хуфёна равишда, расмий сектордан рўйхатдан ўтмаган ҳолда фаолият юритишларига олиб келиши мумкин. Бу борада хўжалик айланма маблағининг ишончилигини таъминлашдан, бозорда фаолият олиб бориш қоидаларини белгилашдан, жамият, давлат, фуқаронинг иқтисодий манфаатларини муҳофазалашдан, жумладан, уларга солиқ ва кредит соҳаларида мулкӣй зарар етказилишидан ҳимоялашдан иборатлигини таъминлаб беришимиз даркор.

Қонунни бузган ҳолда акциз маркаларисиз савдо фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг ҳаракатларини тавсифлашимизда Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига биноан акциз солиқнинг бир тури эканлиги ва шу сабабли айбдорлар Жиноят кодексининг 184 ва 189-моддалари бўйича жавобгарликни кўзда тутувчи жиноятлар мажмуи билан жавобгар қилинишлари кераклигидан келиб чиқишлари лозим бўлади. Бу

---

<sup>67</sup> Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, №11, Қабул қилинган сана 17.04.1998

<sup>68</sup> Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, №11, Қабул қилинган сана 17.04.1998

борада биз юқоридаги жумладан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 189-моддаси билан айблашни истисно қилишимиз керак. Амалиётда аксар ҳолларда ЖК 184 ва 189-моддаларини биргаликда жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиш шаклланиб қолган. Чунки бундай турдаги маҳсулотнинг реализациясини ҳисоблаш ва аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан бундай амалиёт давом этиб келмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш шахс норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ваколатли давлат органига тегишли фаолиятни рўйхатдан ўтказиш ёки уни тиклаш ёхуд ўзгартириш тўғрисида муурожаат этиши шарт бўлиб, бироқ қасддан буни бажармаган ҳолда мавжуд бўлади. Шахсни ЖК 188-моддаси билан айбдор деб топиш учун тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга оширганлиги факти аниқланган бўлиши керак.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган энг хавфли жиноятлардан ҳисобланади. Бу ҳар бир фуқаро томонидан қонун билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдек конституциявий бурчларини қасддан бажармасликда ифодаланади. Қайд этилган тоифадаги ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш давлат солиқ органлари ва жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозицияси бланкет (хавола қилувчи) диспозиция бўлиб, «даромадлар», «фойда», «солиқ тўланадиган объектлар», «солиқлар», «мажбурий тўловлар» каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ

кодексига мурожаат қилиш лозим. Жумладан, Солиқ кодексининг 12 ва 23-моддалари солиқ ва мажбурий тўловлар тушунчасини, 22-моддаси фойда тушунчасини ёритиб беради. Хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйиш ҳолатларининг ўзинигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан тавсифлаш мумкин эмас<sup>69</sup>, лекин тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади<sup>70</sup>.

Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165, 176-3-моддалари билан маъмурий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар бундай фаолият билан шуғулланиш кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 190-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлади. Бунда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 190-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» бандлари билан квалификация қилиш учун ҳам қонунга хилоф фаолиятдан кўп миқдорда даромад олинган бўлиши талаб этилади.

Айбдор тадбиркорлик фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолларда, унинг ҳаракатлари ЖК 188-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК 190-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида жавобгарлик назарда тутилган солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда фойда (даромад)ни ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат

---

<sup>69</sup> Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.

<sup>70</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” Қарори.1998 йил 17 апрель,11-сон

томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деб тушунилади. Худди шундай ҳаракатлар анча миқдорда содир этилганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 174-моддасининг 2-қисми бўйича жавобгарлик юзага келади.

Худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилганда Жиноят кодекси 184-моддасининг 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик юзага келади.

Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган.

Т.Маматқулов ва И.Астановларнинг таъкидлашича, амалдаги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлари солиққа тортилмаслигини ўзларининг илмий ишларида келтириб ўтишган<sup>71</sup>. Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги мавжудлиги маҳаллий ҳокимият органининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

Жиноят кодекси 184-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг субъекти қонунга биноан фойда, даромад ва солиқ солинадиган бошқа объектлар тўғрисида тўлиқ маълумот беришлик ва белгиланган суммани давлат фойдасига ўтказишлик вазифаси зиммасига юклатилган шахслар бўлиши мумкин<sup>72</sup>. Булар қаторига мулк шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш, ҳужжатлар тақдим қилиш зиммасига юклатилган (корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари ва ҳисобхонанинг мансабдор шахслари) мансабдор шахслари киради. Қонунга биноан белгиланган ҳисобот шаклида ҳужжатлар тақдим этишга ва солиқ тўлашга мажбур бўлган жисмоний (солиқ тўловчилар) шахслар ҳам, ушбу

<sup>71</sup> Т.В.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. – Криминалистика: Дарслик / Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 380-бет.

<sup>72</sup> Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. Жиноятларни тергов криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. 10-бет.

жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин, ўзларининг ҳаракатлари билан фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг камайтирилишига кўмаклашган бошқа шахслар эса ушбу жиноятнинг ижрочилари эмас, балки иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи) бўлиши мумкин<sup>73</sup>.

Жумладан, хуфёна иқтисодиётни бартараф этиш билан боғлиқ чоратадбирлар борасида иқтисодиётимизда сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмоқда. Бундай ўзгаришларни 2019 йил якунлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодиётда позитив ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 млрд долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 37%га етди. Иқтисодий ўсиш 5,6%ни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6%га, экспорт 28%га кўпайди, олтин-валюта захираларимиз 2,2 млрд долларга ортиб, 28,6 млрд долларга етди<sup>74</sup>.

Фикримизча, юқоридаги рақамларнинг ортиб бораётганлиги иқтисодий кўрсаткичларимиз яхшиланиб бораётганлигини билдиради. Назаримизда, бундай рақамлар доирасида хуфёна иқтисодиётга гуёки қўл урилмагандек. Лекин хуфёна иқтисодиётнинг улуши хусусий секторлар доирасида ҳаракатда эканлиги сабабли унинг изи жуда ҳам яширин бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, олиб борилаётган ислохотлар натижасида хуфёна иқтисодиётнинг улушини камайтиришга эришляпти. Бу борада солиқ ислохотида ижобий натижаларга эришилмоқда. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони 2019 давомида 500 мингтага кўпайди. ҚҚС ставкаси 20%дан 15%га туширилди, бунинг ҳисобидан солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 трлн сўм қолди, истиқболда эса бу рақам 11 трлн сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Ислохотларимиз натижасида 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил

<sup>73</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” Қарори.1998 йил 17 апрель, 11-сон.

<sup>74</sup><https://president.uz/oz>

этилди. Фикримизча, бундай тадбиркорлар орасида дастлаб ўз фаолиятини яширин равишда олиб борганлигини, юқоридаги иқтисодий ўзгаришлар натижасида, давлат томонидан берилган преференциялар ва имтиёзлар эвазига ўз фаолиятини расмий рўйхатдан ўтган ҳолда ишлаётганлигини ҳам қайд этишимиз лозим.

Асосий вазифалар – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жилловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва «яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш орқали коррупцияга чек қўйишдан иборатдир<sup>75</sup>. Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат янада кучайтирилиши лозим<sup>76</sup>.

Чет элдан олинган қарзларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилиши керак. Бунинг учун «Давлат молиявий назорати тўғрисида» ва «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилади<sup>77</sup>.

Хусусан, жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиши эквивалентда 5 000 (беш минг) АҚШ доллариға тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасида ҳеч қандай рухсатномаларсиз амалга оширилади<sup>78</sup>. Бу эса ўз навбатида валютанинг яширин равишда мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини олдини чора-тадбир ҳисобланади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига нақд хорижий валютани олиб киришлари чекловларсиз амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ долларидан ошадиган суммадаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чоғида олиб кирилаётган

---

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Пқ-3832-сон Қарори.

<sup>77</sup> [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_asosiy\\_tezislar#](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar#)

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармони.



ёки олиб чиқиб кетилаётган нақд хорижий валютанинг жами суммаси ёзма равишда декларация қилинади<sup>79</sup>.

Рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар сони 2-3 марта қисқартирилади. Жорий йилда бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва сотиб олиниши шартлари ҳақидаги онлайн-харита шакллантирилади. «Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши режалаштирилган<sup>80</sup>.

Бизнингча, тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш керак, деб ўйлаймиз. Сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинади, деб таъкидлаган мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг январь ойидаги Олий мажлисга қилган мўрожаатномасида. Шунингдек, ижтимоий суғурта тўғрисида ва ижтимоий тадбиркорлик асослари тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши ҳам белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори, “Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4042-сон Қарори, “Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4321-сон Қарори, “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5621-сон Фармони,

---

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармони.

<sup>80</sup> [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_asosiy\\_tezislar#](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar#).

“Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3253-сон Қарори, “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармонининг имзоланиши яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ҳам мақсад қилинганлигини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг “Пулни легаллаштиришга қарши глобал дастур” доирасида ўтказилган махсус сессиясида сиёсий декларация ва пулни легаллаштиришга қарши ҳаракатлар режаси қабул қилинган<sup>81</sup>. Сиёсий декларацияда ноқонуний иқтисодий фаолият натижасида орттирилган пул-маблағларини ҳақиқий эгаси ҳисобланган давлатга қайтариш масалаларига тўхтаб ўтилган. Бу эса мамлакатдан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилган активлар масаласини ҳал этишда муҳим чора-тадбир бўлди.

Хуфёна иқтисодиётни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар сирасига 2018 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4042-сонли “Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 12 июлда қабул қилинган 534-сонли Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан нуфузли халқаро экспертларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад қўйидагича:

- мамлакатимиздаги носоғлом рақобатга барҳам бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини пассивлашувини олдини олиш;
- коррупцияга шароит яратиб бераётган факторларга барҳам бериш;

---

<sup>81</sup> Пулни легаллаштиришга қарши сиёсий декларация ва режа / Пул ювишга қарши глобал дастур. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси. Нью-Йорк, 10 июнь 1998 йил. 1-6-бет.

- алоҳида турдаги товарларнинг республикага ноқонуний олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш.

## **II БОБ. ХУФЁНА ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАМДА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашиш миллий тизими ва мавжуд муаммолар**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида - макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш<sup>82</sup> вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий барқарорлигини, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестиция ва экспорт салоҳиятини оширишни, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни, меҳнат бозорида тангликни пасайтиришни, даромадларни ошириш ва қашшоқликни камайтириш мақсад қилиб белгиланган.

Келажакда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавф ва таҳдидларни таҳлил қилган ҳолда, кўйидаги феноменларга диққат қаратишимиз даркор бўлади<sup>83</sup>.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ишлаб чиқариш омиллари, шу жумладан инсон капиталининг тўпланиши ва ривожланиши рақобатни юзага келтиради. Лекин яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги бундай рақобатларни бозор иқтисодиёти шароитига кириши учун тўсик бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.

<sup>83</sup> Проблемы борьбы с новыми видами экономических преступлений в США // Материалы «Regional Dialogue, G.Weddle» 2020 года.

Иккинчидан, Ўзбекистонда тез ўсиб бораётган меҳнат ресурслари шароитида бандликни таъминлаш муаммоси янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Шу билан бирга, асосий тармоқларнинг технологик базасининг орқада қолиши, хомашё экспорти, яширин иқтисодийнинг юқори ҳажми, паст меҳнат унумдорлиги, юқори энергия ва ресурс зичлиги билан тавсифланган мамлакат иқтисодийнинг мавжуд таркибий деформацияси билан белгиланади.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти фаолиятини таъминлашнинг самарали воситаларини жадал жорий этиш, жумладан хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва ер муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш, давлат органларининг самарадорлигини ошириш, коррупцияга барҳам бериш ва молия бозорининг ривожланишини таъминлаш.

Тўртинчидан, мамлакат иқтисодиёти инклюзивликнинг паст даражаси билан тавсифланади, бу инсон капиталининг паст сифати, ишлаб чиқарилган даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик, ижтимоий ҳимоя ва илмий-техник салоҳиятнинг пастлиги, табиий ресурсларнинг тақсимланиши ва камайиши билан тавсифланади.

Бешинчидан, саноатнинг кўпайиши, табиий хом ашёнинг янги конларини ўзлаштириш, ноқулай тенденциянинг намоён бўлишида ўз аксини топмоқда ва Ўзбекистон иқтисодийнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, У.Бурханов, Т.Атамурадовларнинг фикрига асосланадиган бўлсак, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий базаси ва механизмларининг номукамаллиги сақланиб қолаётганлигини, давлат бошқаруви тизимида тегишли тартибга солиш механизмлари ва уларнинг қўлланилишини назорат қилмасдан тўғридан-тўғри тартибга солиш

воситалари устунлик қилаётганлигини ҳамда бундай тоифадаги ишлар давлат харидларида кўринаётганлигини назарда тутишган<sup>84</sup>.

Т.Кузнецова яширин иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий салбий оқибатларини қуйидагича таҳлил қилган<sup>85</sup>:

- солиқлар, жарималар, йиғимлар тўламаслиги сабабли барча даражадаги бюджетлар даромад базаси пасаяди;

- жинойтчиликнинг ўсиши, давлат хизматлари тизимида, бошқарув органларида коррупция авж олади;

- инвестицияларни ривожлантириш муҳити соғлом бўлмай қолади (яширин иқтисодий фаолият субъектлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун капитал киритмайдилар);

- иқтисодиёт таркибидаги номутаносибликларни яратади (яширин иқтисодиёт асосан ишлаб чиқариш соҳасида эмас, хизмат кўрсатиш соҳасида ва савдо-воситачилик соҳасида ривожланмоқда);

- нақд пулларни маълум бир тоифадаги шахслар қўлида тўпланиши инфляцияга салбий таъсир кўрсатмоқда;

- ижтимоий-иқтисодий бошқарув соҳасидаги инқироз (иқтисодиётнинг яширин секторига давлатнинг таъсири жуда чекланганлиги билан изоҳланади, унга таъсир кўрсатиш чораларининг аксарияти самарасиз);

- озиқ-овқат саноатини яширин ишлаб чиқарилиши кўпинча белгиланган меъёрларни бузади.

Шу билан бирга, жинойт секторни ҳисобга олмаганда, яширин иқтисодиётнинг баъзи ижобий томонлари ҳақида гапириш мумкин:

- истеъмолчиларнинг талабларини қондириш (агар бирон-бир сабабга кўра давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар зарур хизматлар ва товарларни тақдим эта олишмаса, улар яширин иқтисодий фаолият субъектлари томонидан таъминланадилар);

---

<sup>84</sup> Бурханов У., Атамурадов Т., Давлат хариди, Дарслик-Т.;2011й. -91 бет.

<sup>85</sup> Кузнецова Т. Некоторые аспекты исследования неформальной экономики в России // Вопросы экономики, 1997. – 104 стр.

- инқироз даврида ишлаб чиқариш сақланиб қолади ва аҳоли эҳтиёжи қисман бўлса-да қондириб турилади.

В.Александр яширин иқтисодиётга қаршилик қиладиган субъектларни қуйидаги тоифаларга ажратган<sup>86</sup>:

- аҳолининг кам таъминланган гуруҳлари: нафақахўрлар, ногиронлар, ва давлатнинг ижтимоий ёрдамига мухтож қатлам;

- ижтимоий гуруҳлар;

- иқтисодий вакиллари;

- тадбиркорлар манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қиладиган жамоат ташкилотлари: касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмалари, фермерлар, савдогарлар;

- иқтисодий сектор ижрочилари - давлат ижро этувчи органларнинг иерархик тизимидаги иқтисодчилар.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва тармоқлар давлат органлари томонидан тартибга солиниши керак бўлган объектлар ҳисобланади. Яширин иқтисодиёт миллий, минтақавий ва халқаро даражада ишлашини инобатга олишимиз керак. Чунки инвестициялар билан боғлиқ ишлар алоҳида эътибор берилишини талаб этади<sup>87</sup>. Яъни яширин иқтисодиётни буткул йўқ қилиб бўлмайди. Миллий даражада бўлган яширин иқтисодиётни миллий дастурлар ва чоралар натижасида бартараф қилиш мукинди, лекин минтақавий ва халқаро даражада олиб борилаётган яширин иқтисодиётни нафақат бартараф қилиш, балки уни аниқлашнинг имкони ҳам йўқлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам яширин тадбиркорларнинг фаолиятини қонунийлаштириш бўйича чоралар давлат дастуридан жой олиши лозим деб биламиз.

Идоралар фаолиятининг молиявий натижаларини очиқ берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини текшириш йўли билан назорат самарадорлигини

---

<sup>86</sup> V.Aleksandr "On the Effect of the Shadow Economy on the Development of the Region". Российское предпринимательство, 2011, № 2 (1). -19 p.

<sup>87</sup> Муаллифлар жамоаси, Инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари: Ўқув қўлланма-Т., 2018 й. -250 бет.

таъминлайдиган, шу жумладан ички назорат ва ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгилайдиган, давлат бошқаруви тизими ривожланиши, прогнозлаш ва стратегик режалаштиришга оид хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чораларни ошкор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий этишни назарда тутадиган «Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида»ги ва «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда электрон тижоратнинг тартибга солинмаганлиги ҳам хуфёна иқтисодиёт улушини тобора ошириб бормоқда. Шунга қарамай, мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, биринчидан, электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

иккинчидан, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

учинчидан, электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий тўлов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;



бешинчидан, электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.

хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва «хуфёна» иқтисодиёт улушини қисқартириш учун қулай шароит яратиш борасида қўйидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз керак.

Жумладан, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, шунингдек кичик саноат зоналари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали бунга эришиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилишни, шунингдек ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантириш стратегияларини (моделларини) ишлаб чиқиш;

инновация ишланмалари ва технологияларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлов бериш тармоқларини жадал ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида товар бозорлари мувозанатини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида унинг импортга қарамлигини камайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек республика ҳудудлари ва хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш<sup>88</sup> лозим бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этишдаги чора тадбирлар:

- тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинишини, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилиши ҳам белгиланган<sup>89</sup>;

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

- давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш механизмларининг аниқ вазифаларини бириктириш;

- давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада

---

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон Фармони.

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.

бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш ва рағбатлантириш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

- давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши курашиш чораларини тайёрлашда, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

- идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси бўлиши керак.

Асосий мавжуд миллий тизимдаги камчиликлар сифатида лицензияларнинг ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларнинг олинishi коррупцияни келтириб чиқариши мумкин<sup>90</sup>. Шу сабабли ҳам жорий йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилиши белгиланган<sup>91</sup>. Бунда эса давлат билан бўладиган ижтимоий

---

<sup>90</sup> Муаллифлар жамоаси: О.Оқилов, Ш.Рўзиназаров, М.Бердикулов, Ф.Исаева "Тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг турлари", -Т.: ТДЮУ.2018й. -190 бет.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони.

муносабатларнинг тартибга солинишига ва давлат таъсир чорасини камайтиришга имкон яратиб беради. Натижада коррупциянинг шаклланишига олиб келаётган бир элементга барҳам берилади.

Жумаладан солиқ имтиёзларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сон Фармониغا асосан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштириладиган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Бунда, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга имтиёзлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармониغا асосан эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача (фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва таълим жамғармасига мажбурий ажратмаларидан солиқ имтиёзлари берилиши белгиланган (илова: 1 жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони билан

эркин иқтисодий зоналари номлари бирхиллаштирилди ҳамда имтиёз берилган солиқ турлари ва муддатлари кўлами кенгайтирилди (илова 2 жадвал).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4853-сон Фармонининг 3-бандига мувофиқ ЭИЗ иштирокчилари: ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар назарда тутилган (илова: 3 жадвал).

## **2.2 Хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик**

Иқтисодий жиноятлар - коррупция, пул ювиш ва терроризмни молиялаштириш, шу билан бирга одам савдоси, кибержиноятчилик ва бошқа молиявий ва уюшган жиноятчилик турлари ҳисобланмиш хуфёна ва норасмий иқтисодиётни ўз ичига қамраб олади.

Европа давлатлари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш борасида 2018 йилда 26 мамлакатдан 5600 дан ортиқ иштирокчилар доирасида 188 та дастур доирасида ҳамкорлик ишларини амалга оширдилар. Бундай тадбирларнинг асосий мақсади иқтисодий жиноятларни олдини олиш, коррупция, пул ювиш, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш чораларини кучайтириш, активларни қайтариш ва халқаро ҳамкорликни, шу жумладан жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамни кучайтиришдан иборатдир<sup>92</sup>. Худди шу ўринда, ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий жиҳатидан келиб чиққан ҳолда яширин иқтисодиётга қарши курашиш

---

<sup>92</sup> Action against Economic Crime Cooperation Highlights 2018. Council of Europe | Seventh Annual ECCD Team Event.

борасида ўзаро фикрлар алмашади, тавсиялар беради, амалий ёрдам оладилар. Мана шундай инновацион қарашлар негизида бундай давлатлар томонидан бир қанча сезиларли даражадаги ютуқларни кўришимиз мумкин. Лекин кўпгина бундай тадбирлар Европа давлатлари доирасида амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадбирлар доирасида кўриб чиқилган чора-тадбирларни ўрганишимиз давомида қўйидаги халқаро ташкилотларнинг ҳам таклиф ва тавсияларини кўриб чиқишимиз керак бўлади.

Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш доирасида Европа Кенгашининг коррупция қарши курашиш дастури (АС), легализацияга қарши курашиш (AML<sup>93</sup>), Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (GRECO<sup>94</sup>), Пулни легаллаштиришга қарши кураш бўйича экспертлар кўмитаси (MONEYVAL<sup>95</sup>), OECD<sup>96</sup>, ACCA<sup>97</sup>, IAACA<sup>98</sup>, EGMONT GROUP<sup>99</sup>, OLAF<sup>100</sup> доирасида тавсиявий характердаги стандартлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишимиз давомида коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш борасида устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, асосан Европа Кенгашига аъзо бўлган давлатлар билан юқорида номлари келтирилган халқаро ташкилотларнинг алоқалар мустаҳкам эканлигини гувоҳи бўлдик<sup>101</sup>.

2018 йилда Албания, Черногория ва Македония давлатлари ҳокимият органларини турли хил махсус тадбирлар орқали қўллаб-қувватланди. Худди шу дастур доирасидаги хайр-эҳсонлар, масалан, Черногория ҳокимиятни терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишда ёрдам бериш тўғрисидаги сўровига жавобан кўрсатма ва тавсиялар берилди. Албанияда худди шу дастур орқали ECCD, тегишли халқаро стандартларга жавоб бериш учун молиявий секторни назорат қилишда ислохотларни амалга

---

<sup>93</sup> <https://complyadvantage.com/knowledgebase/anti-money-laundering/aml-compliance-officer/>

<sup>94</sup> <https://www.coe.int/en/web/greco/about-greco>

<sup>95</sup> <https://www.fatf-gafi.org/pages/moneyval.html>

<sup>96</sup> <https://www.oecd.org/general/38464001>

<sup>97</sup> <https://www.accaglobal.com/gb/en.html>

<sup>98</sup> <https://www.iaaca.net/>

<sup>99</sup> <https://egmontgroup.org/en/search/google/shadow%20economy>

<sup>100</sup> <https://www.icqc.eu/index.php?choosed=ru/certification/european-anti-fraud-office>

<sup>101</sup> Action against Economic Crime Cooperation Highlights 2018. Council of Europe | Seventh Annual ECCD Team Event.

оширди. Шунингдек, Европа Кенгаши “Жиноятга қарши курашиш” бўйича қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам амалий ва тавсиявий томондан кўллаб-қувватлади<sup>102</sup>. Ҳозирги кунда бундай ривожланаётган давлатларнинг юқоридаги номлари қайд этилган жиноятларга қарши курашиш борасидаги ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. Айниқса иқтисодий жиноятлар борасидаги ишлар сони камайганлигини кўришимиз мумкин. Замонавий шароитда жиноятчиликка қарши кураш, унинг молиявий базасини йўқ қилиш, шунингдек, давлат иқтисодиётини тиклаш йўналишларидан бири бу жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини яратишдир. Чунки бундай жиноят асосини хуфёна иқтисодиёт ташкил этади. Шу мақсадда, халқаро ҳамжамият жиноятчиликнинг трансмиллий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, жиноий одил судловнинг муҳим масалаларини қамраб олувчи ва унинг халқаро стандартлари тўпламини тузган ҳужжатлар ишлаб чиқиши керак бўлади. МДҲ давлатлари фаол иштирок этаётган ҳуқуқий интеграция жараёни миллий қонунчиликни ушбу стандартларга яқинлаштириш, уларни миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантиришда ва мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида кўриб чиқишни белгилайди.

Жаҳон иқтисодиёти, юқори ривожланган молиявий ва ахборот тизимларининг жорий интеграциялашуви пулларни яширин айланишига қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши шартлардир.

Трансмиллий жиноятчилик ва яширин иқтисодиёт бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб, унинг энг муҳим соҳаларида: иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва экологик соҳаларда халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи омиллардир. Охир оқибат, трансмиллий жиноятчилик инсон хавфсизлигига глобал таҳдид солади. Шундай глобал таҳдидлардан бири хуфёна иқтисодиётдир. Трансмиллий жиноятчилик ва пул ювиш билан курашиш фақат ушбу ҳодисаларнинг халқаро характериға кўра

---

<sup>102</sup> Action against Economic Crime Cooperation Highlights 2018. Council of Europe | Seventh Annual ECCD Team Event.

давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш билан мумкин<sup>103</sup>. Ҳозирги пайтда пулни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар каторида, авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йил 19 декабрда Вена шаҳрида тузилган ва юздан ортиқ ратификация қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида" ги Конвенциясини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу Конвенция жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутадиган биринчи универсал халқаро шартнома бўлиб ҳисобланган.

Конвенция иштирокчи давлатларнинг ўзларининг ваколатли органларига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний олиб киришдан олинган даромадларни аниқлаш, музлатиш ёки мусодара қилиш чораларини кўриш мажбуриятини назарда тутди.

Конвенцияда мусодара қилинадиган объектларнинг рўйхатини тузилган, уларга қуйидагилар киради: "жиноятлардан олинган даромадлар", "қиймати бундай даромадга тўғри келмайдиган мулк", шунингдек, "гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар", "ҳуқуқбузарликлар содир этишда ҳар қандай тарзда фойдаланишга мўлжалланган предметлар"ни киритган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилдаги Вена конвенциясида "пул ювиш" жиноят сифатида тан олинган. Шу билан бирга, уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши жинойий фаолиятнинг бошқа соҳаларидан келиб чиқадиган жинойий ташкилотлар даромадларининг ўсишига олиб келди. Ушбу даромадларнинг бир қисми ҳам "ювилиб кетган" ва иқтисодиётга инвестиция қилинган<sup>104</sup>. Шу муносабат билан, ушбу жараёнларга жавобан, сўнгги ўн йилликларда жаҳон ҳамжамияти жиноятчиликка қарши курашда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жиноятлар натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш, мусодара қилиш нафақат

---

<sup>103</sup> <https://publicsearch.coe.int/#k=shadow%20economy#f=%5B%5D#s=51>

<sup>104</sup> <https://publicsearch.coe.int/#k=against%20shadow%20economy#f=%5B%5D#s=51>



универсал ҳужжатлар даражасида, балки муаммоларга ҳам эътибор беришни бошлади. Бунда БМТнинг “Жиноятчиликнинг олдини олиш” бўйича Конгресслари муҳим рол ўйнайди. Одил судловни амалга оширишнинг долзарб ва фундаментал муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган ушбу халқаро форумларнинг кун тартибида ушбу муаммолар доимий равишда акс этиб келмоқда. Айниқса иқтисодиётдаги “пул ювиш”лар кенг аҳамият берилишини талаб қилмоқда.

Хусусан, 1990 йилда Гаванада ўтказилган “Жиноятларнинг олдини олиш” бўйича БМТнинг Конгрессида 21-асрда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорлик мавзусида бир қатор “намунавий ҳужжатлар” қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фикрига кўра, “жиноятчиликнинг мураккаб жиҳатлари ва жиддий оқибатлари, айниқса унинг янги шакллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг самарали воситаси” бўлиб, ФАТФ томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни назарда тутди<sup>105</sup>.

Шундай қилиб, БМТ экспертлари жиноий даромадларни легаллаштиришни ташкил этадиган асосий ҳаракатлар рўйхатини аниқладилар. Бу ушбу концепцияни янада аниқроқ илмий ишлаб чиқиш ва бир қатор халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида амалга ошириш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилди. 1990 йил 8 ноябрь куни Европа Кенгашининг Страсбург шаҳрида аъзолари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва жамиятни хавфли жиноятчилик шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган умумий жиноий сиёсатни олиб бориш мақсадида, “Жиноят йўлидаги даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, мусодара қилиш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинди. Конвенция гиёҳвандлик савдоси, балки бошқа жиноий фаолиятдан олинган пулларни “ювиш” билан боғлиқ ҳаракатларни, иқтисодиётдаги ўйинларни жиноят деб тан олди. Натижада БМТ “Вена Конвенцияси”ни қўллашни бошлади<sup>106</sup>.

---

<sup>105</sup> <https://www.fatf-gafi.org/media/fatf/documents/reports/mer4/fatf-2019>

<sup>106</sup> <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/141>

“Страсбург Конвенцияси<sup>107</sup>”да жиноий даромадларнинг ягона концепцияси яратилган бўлиб, унда "жиноий ҳуқуқбузарлик натижасида олинган ҳар қандай иқтисодий даромад" назарда тутилган. Конвенцияга биноан ҳар бир мамлакат, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш учун, авваламбор, уларни мусодара қилиш билан боғлиқ равишда, қонуний ва бошқа чора-тадбирларни кўришга мажбур.

Конвенция ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноий йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, уларни музлатиш ва мусодара қилиш борасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий қоидаларини батафсил белгилаб берди.

Бундай ҳамкорликнинг умумий принциплари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- 2) жиноий таъқиб қилиш учун асос бўлиши мумкин бўлган проактив маълумотларнинг тақдим этилиши (10-модда);
- 3) банк сирини тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш (4 ва 18-моддалар);
- 4) шерик давлатларнинг ўзаро махфийлик принципига амал қилишлари (33-модда);
- 5) ёзма сўровларнинг муайян процессуал шаклининг мажбурийлиги ҳамда унинг Конвенция ва ижро этувчи давлат қонунчилигига мувофиқлиги (23-29-моддалар);
- 6) мусодара қилинишини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятларини назарда тутати (11-17-моддалар).

Ушбу тамойилларга асосланиб, Конвенция, жиноий йўл билан топилган маблағларни қидириш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш масалалари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда, сўралаётган томон:

---

<sup>107</sup> <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions>

- уларнинг жойлашган жойи, ҳаракатланиши, табиати, ҳуқуқий ҳолати ва қийматини аниқлаш бўйича тергов ўтказиш, шунингдек улар билан боғлиқ далилларни тўплаш орқали бундай даромадларни қидириш (4 ва 9-моддалар);

- кейинчалик мусодара қилиш тўғрисида сўров предметига айланиши мумкин бўлган ёки бундай талабни қондириши мумкин бўлган мулкка нисбатан ҳар қандай операция, топшириқ ёки буйруқ беришнинг олдини олиш учун "музлатиш ёки тортиб олиш каби хавфсизлик чораларини кўриш" (11-12-моддалар);

- сўралаётган давлатни ҳуқуқий ёрдам тўғрисида сўров бўйича кўрилган чоралар, ўтказилган терговлар ва кўрилган чоралар тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш (31-модда);

- мусодара қилишни амалга оширади<sup>108</sup> (13-17-модда).

Ахборот алмашишнинг соддалаштирилган тартиби юридик ёрдам кўрсатиш жараёнини тезлаштиришга имкон беради. Ушбу ташкилотларнинг бири ФАТФ бўлиб, 1990 йилда 40 та тавсиялар шаклида пул ювиш билан курашиш дастурини ишлаб чиққан ва 1996 йилда ушбу ҳужжатга тузатишлар киритган. Уларнинг асосида Европа иқтисодий ҳамжамиятининг 1991 йил 10 июндаги “Пулларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида”ги кўрсатмаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда Европа Кенгашига аъзо давлатлар ҳудудида жиноят деб тан олинган ҳар қандай ҳаракатлар натижасида олинган пулларни легаллаштиришга қарши кураш чоралари билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Тавсияларнинг аксарияти тўғридан-тўғри унга киритилган ва уларнинг асосида кўпгина давлатлар миллий қонун ҳужжатларини ишлаб чиққанлар: Германияда “Жиноий ҳуқуқбузарликлардан олинган даромадларни аниқлаш тўғрисидаги қонун” (Пулни легаллаштириш тўғрисидаги қонун – ГwГ 1993 октябрь). Швейцария Конфедерациясида 1997 йил 10 октябрдаги “Молиявий соҳада пулни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Федерал қонун”

---

<sup>108</sup> Action against Economic Crime Cooperation Highlights 2018. Council of Europe | Seventh Annual ECCD Team Event.

(Пулни легаллаштириш тўғрисидаги қонун, ЛБА)ларни мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро Дастури томонидан ишлаб чиқилган, “пул ювиш”га қарши лойихаси бор. Унда ФАТФнинг 40 та тавсияси ҳисобга олинади, аммо тавсиялардан фарқли ўлароқ, улар қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун асос сифатида фойдаланиш учун мўлжалланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Умуман олганда пул ўтказмаларига ва молиявий ташкилотларнинг ролига тегишли қонун модели юқоридаги лойиҳада акс этган элементларни ўз ичига олиши керак бўлади<sup>109</sup>.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳада ҳар қандай мақсадлар учун белгиланган миқдордан ошиб кетадиган нақд пулларни, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, санъат асарлари, ҳашаматли буюмлар, автоуловлар, қайиқлар, самолётлар, корхоналарни сотиб олишни таъқиқлайди<sup>110</sup>. Коррупция билан боғлиқ жиноятлардан олинган даромадларни мусодара қилинишини талаб қилади. Шу сабабли ҳам бундай ишлар билан шуғулланувчи “Ихтисослаштирилган органлар”<sup>111</sup>ни тузилишини тақозо этади.

Европа Кенгаши халқаро коррупцияга қарши курашиш ва пулни легаллаштиришга қарши кураш стандартларини амалга оширишда, шунингдек, йигирма йил давомида устувор ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатларга ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундай қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик дастурлари асосида амалга оширилади ҳамда Европа Кенгаши томонидан молиялаштирилади, лекин кўп жиҳатдан Европа Иттифоқи, Норвегия Грантлари, Швеция, Нидерландия, Швейцария ва АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги каби ташкилотларнинг ҳиссаси ҳисобига амалга ошириляпти.

---

<sup>109</sup> <https://rm.coe.int/project-against-economic-crime-in-kosovo-peck-final-narrative-report/16806d0f30>

<sup>110</sup> <https://www.coe.int/web/cdpc/european-committee-on-crime-problems>

<sup>111</sup> Assessment report on compliance with International standards in the anti-corruption (ac) area.2014; [www.coe.int/corruption](http://www.coe.int/corruption)

Шуниси эътиборлики, бундай дастурларнинг ўтказилиш доираси Европа мамлакатлари улушига кўпроқ тўғри келмоқда. Бунда иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга қарши курашишда ҳамкорлик ва ёрдам бериш билан боғлиқ фаолияти ва самарали ислохотларини кўришимиз мумкин: оқилона бошқарув, коррупцияга қарши курашишда яқдиллик, ахлоқ одоб коидалари, манфаатлар тўқнашувидаги вазиятни ҳал қилиш, пул ювиш, активларни қайтариб олиш, терроризмни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик ва ўзаро ҳуқуқий ёрдамларни айтишимиз мумкин<sup>112</sup>.

Туркия давлатини ўрганадиган бўлсак, хуфёна иқтисодиётни минималлаштириш борасида ойлик иш ҳақларини ошириш ва солиқ тўловларини камайтириш, бўш иш ўринларини кўпайтириш мақсад қилинган. Давлат ишчиларининг хизмат вазифаларига кирмайдиган ишлар билан шуғулланишларига чек қўйиш амалиётга киритилмоқда. Давлат билан фуқаро ўртасидаги ижтимоий муносабатларда инсон омилини камайтириш чоралари ишлаб чиқилиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин<sup>113</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш борасида фақат ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар мисолида эмас, балки ривожланиш поғонасида турган Косово давлатини оладиган бўлсак, мустақиллигини эълон қилганига кўп бўлмасада, коррупцияга қарши курашнинг дастлабки босқичида турибди. Шундай бўлсада қисқа фурсатда сезиларли ютуқларга эришаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, “Коррупцияга қарши кураш агентлиги” тузилди. Иқтисодий жиноятлар соҳасида кўп маълумотлар ушбу ташкилот қўлида тўпланди. Яъни яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасидаги барча чора-тадбирлар ва коррупция жиноятларини мувофиқлаштириш унинг қўлида тўпланди. Бунга сабаб, ёш янги кадрлар ва янги кадрлардаги янгича ишлаш услуби билан белгиланди. Кейинчалик прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳозирда прокуратура билан биргаликда ҳамкор равишда фаолият юритмоқда. Унга кўра

---

<sup>112</sup> <https://rm.coe.int/flyer-action-against-economic-crime-and-corruption/168071228a>

<sup>113</sup> Materials: “Ethics for the prevention of corruption in Turkey”; Academic researches on public ethics. Volume 2. [www.tornatasarim.com](http://www.tornatasarim.com)

мансабдор шахслардан мол-мулк ва даромадларни декларация қилишни талаб қилиш коррупцияга қарши курашишнинг янгича ишлаш механизмини вужудга келтирди<sup>114</sup>. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бошқа тузилмада, коррупцияга қарши курашиш бошқа тузилмада бўлиши ушбу давлат мутахассисларининг фикрича, коррупциянинг улушини камайтиришга хизмат қилувчи усул сифатида қаралмоқда.

Қозоғистон давлатини оладиган бўлсак, бу давлатда хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс режа ишлаб чиқилиши йўлга қўйилган<sup>115</sup>. Бундаги бош мақсад нақд бўлмаган пул айланмаларини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш ҳисобланади.

Турли давлатларда турлича бошқарув бўлганлиги сабабли яширин иқтисодиёт ҳам давлат бошқарувига ҳамда унинг иқтисодиётига асосланади. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида давлат дастурида турлича концепциялар ўрин эгаллайди. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида халқаро ташкилотларнинг яқдил ва қатъий таъсир чораси мавжуд эмас. Уларда асосан тавсиявий ҳарактердаги чора-тадбирларни қўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ташкилотларнинг яширин иқтисодиётга қарши курашиш механизмини ошириш давр талаби ҳисобланади. Шунга қарамасдан ҳам давлатларнинг ўзаролик принципларига риоя этмасликлари, халқаро ташкилотларнинг чора-тадбирларини тан олмасликлари мумкин. Худди шу ўринда, халқаро ҳамкорлик масалаларини ривожлантиришда мавжуд тизимли камчиликларни такомиллаштириш керак бўлади.

Яширин иқтисодиётни бартараф этиш учун “Ички савдони ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш керак. Фикримизча, айнан

---

<sup>114</sup> The justice package of laws including amendments and supplements of laws on courts, state prosecutor, Kosovo Judicial Council and Kosovo Prosecutorial Council that was adopted on 28 May 2015; Draft laws on amending and supplementing Law no.04/L-051 on Prevention of Conflicts of Interest in the Exercise of Public Office, on Management of Sequestered or Confiscated Assets, on amending and supplementing the Law no.04/L-042 on Public Procurement and on the Auditor General and the National Audit Office which are still under Parliament proceedings. All these legislative acts were partly triggered and/or partly addressed some of PECK assessment reports' recommendations.

<sup>115</sup> [www.zakon.kz](http://www.zakon.kz)

шундай стратегиянинг йўқлиги хуфёна иқтисодий халқаро даражага етиб боришига сабабчи бўлган омиллардан бири. Бу ўз навбатида, тадбиркордан бошлаб мансабдор шахсларгача қўл келмоқда.

Бундай Стратегияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, йирик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, хорижий компаниялар билан ишлайдиган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар каби бир неча таснифларга бўлинган ҳолда уларга берилиши керак бўлган имтиёз ва преференциялар умумий жиҳатдан келтириб ўтилади. Айнан таснифланишига кўра текширувларнинг амалга оширилиш тартиби назарда тутилади. Натижада бир неча маъмурий бирликларда бир хил турдаги тадбиркорга бериладиган имтиёзларнинг бир хиллашувига, давлат назорати ва текширувларининг унификацияланишига олиб келади<sup>116</sup>. Бу эса тадбиркорларга нисбатан бўладиган қарашларнинг субъективлигига барҳам беради. Фикримизча, бундай ишларни амалга оширилиши бир неча тадбиркорларнинг яширин тарзда эмас, балки ошкора равишда ўз фаолиятини амалга оширишларига сабаб бўлади. Бундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўз фаолиятини яширин равишда олиб бораётган шахслар давлат назоратини амалга оширувчи субъектлар билан бўладиган коррупцион муносабатларнинг камайишига олиб келади, десак муболаға бўлмайди.

Х.Азизовнинг айтишича, муҳим воситалардан бири – жамоатчилик назоратини кенгайтириш ва рағбатлантириш тадбиркорлик фаолиятининг янада кенг ривожланишига хизмат қилади<sup>117</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, юртимизда 10 мингдан зиёд нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг ўрни ва фаоллиги сезилмаяпти. Чунки бу ташкилотлар манфаатларини ифода этувчи, давлат билан кўприк вазифасини бажарувчи яхлит тизим йўқ. Ҳозирда жамоатчилик билан ишлаш тизими жойларда ва соҳаларда халқимизни қийнаётган

---

<sup>116</sup> <https://zakonbase.ru/content/part/727658>

<sup>117</sup> Х.Азизов “Тадбиркорлик ҳуқуқи”. Дарслик. (Муаллифлар жамоаси) -Т.:ТДЮУ,2018.-179 бет.

масалаларни давлат миқёсига олиб чиқиб, ҳал қилишда натижа кўрсата олмаяпти. Шунинг учун халқаро тоифадаги журналистларнинг мақомини белгилаш бўйича янги норма яратишимиз керак бўлади. Бундан ташқари амалиётга “журналист тергови” деган янги механизмни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Кўплаб соҳаларда давлат харидларини амалга ошириш тизими очиқ-ошкора эмас. Асосан давлат харидлари билан боғлиқ фаолиятда хуфёна иқтисодиётга қўл урилади. Кўриб турганингиздек, мансабдор шахсларнинг ноқонуний бойишига сабаб бўлади. Ноқонуний бойиш эса хориж давлатларининг аксариятида жиноий қилмиш ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бундай қилмиш жиноят деб топилган норма мавжуд эмас. Айнан шундай норманинг йўқлиги коррупцияни келтириб чиқармоқда. Яширин иқтисодиёт биринчидан, ноқонуний бойлик орттиришни юзага келтирса, иккинчидан коррупцияни вужудга келтиради. Хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, давлат хизматчилари мол-мулки ва даромадларини декларация қилиш тизиминининг барча ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, амалиётга киритиш шартлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ф.Тохиров хуфёна иқтисодиётга қарши курашишда, биринчи навбатда, молиявий операцияларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини кучайтириш кераклигини таъкидлаган<sup>118</sup>.

Ўзлаштирилган давлат активларини қайтариш чораларини кўриш керак. Халқаро ҳамкорликсиз бундай жиноий фаолият натижасида топилган активларни қайтаришнинг имкони йўқ. Бу соҳани тартибга солишга қаратилган ва конкрет жавобгарликни келтириб чиқарувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш лозим. Жиноий даромадларни аниқлаш ва уларни қайтариш масаласига бағишланган бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳар

---

<sup>118</sup> Тохиров Ф. Сифатсиз маҳсулотлар чиқарганлик ёки сотганлик учун жиноий жавобгарлик. Қонун химоясида, 2002-№2.-39 бет.



кандай демократик давлатнинг мавжудлигига жиддий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий хавф туғдиради ва молиявий яхлитликни бузади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга банк сектори устидан назоратни амалга оширишга имкон берадиган молиявий операцияларни тартибга солишнинг зарур бўлган механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бу ҳукуматни миллий ва халқаро миқёсда катта миқдордаги “пул ювиш” билан курашиш учун зарур воситалар билан таъминлайди.

Яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида ишчи ҳужжатга айланадиган конвенция ишлаб чиқиш лозим, бунда халқаро даражадаги унификацияланган бўлиши зарур. Бундай намунавий шартнома ўзаро маълумот алмашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам бўла олади.

Ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашда ижро ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш учун, идоралараро марказни яратиш керак. Кўриниб турибдики, ноқонуний равишда олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки ўз ваколатлари доирасида ҳам, барча давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши керак. Шу муносабат билан муайян давлатдан чиқиб кетган активларни қайтариш мақсадида қўшма тадбирларни ташкил этиш масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, яширин иқтисодиётни бартараф этишда халқаро ҳамкорлик масаласини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Яширин иқтисодиёт халқаро даражада кўриб чиқилмас экан, мутлақ натижага эришиш мумкин эмас. Ўз навбатида, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар каби яширин иқтисодиёт ҳам шундай чора-тадбирларни талаб қилади. Коррупцияда муайян бир жамият зарар кўрадиган бўлса, яширин иқтисодиётда муайян бир давлатнинг иқтисодиёти зарар кўради. Шу сабабли ҳам яширин иқтисодиёт деган иллатга қарши курашиш давр талаби эканлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

## **2.3 Яширин иқтисодиётга қарши курашишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари**

Ҳозирги глобализация даврида иқтисодий ўсиш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Лекин дунё мамлакатларининг соғлом ривожланиши учун мамлакат иқтисодиётига расмий статистикаларда қайд этилмайдиган, латентлик хусусиятига эга бўлган тўсиқлар мавжуд. Шундай тўсиқлардан бири “яширин иқтисодий фаолият” ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, инсон омили билан изоҳланади. Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га қарши курашилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь санасида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида МДҲ мамлакатларида юқори яширин (энг аввало юқори даражада криминаллашган) иқтисодий муносабатлар тизими шакллана бошлади ва у бир қатор хусусиятлари билан тавсифланади. Биринчидан, яширин иқтисодиёт катта улушга эга бўлиб, иқтисодиётнинг доминант, норасмий ва ғайриҳуқуқий муносабатлар муҳим ўрин тутувчи секторига айланиб бормоқда. Баъзи МДҲ мамлакатларида давлат аппаратининг ёппасига коррупциялашгани, ҳуқуқ ва суд тизими ролининг сустлиги, уларнинг маъмурий аппаратга, яширин молиявий капиталга тобелиги бугунги куннинг реал воқелигидир. Иккинчидан, иқтисодиёт соҳасида молиявий гуруҳлар (кланлар) шаклланди. Улар йирик капитал қўйилмаларини бошқарадиган давлат ҳокимияти органлари «қаноти» остида бўлган ҳокимият хўжалик тузилмаси бўлиб, кенг кўламдаги тадбиркорлик (энг аввало, тижорат) фаолияти билан шуғулланадилар. Ўз фаолияти билан бу молия гуруҳлари бозорда, асосий товар гуруҳлари бозорида, айниқса, ташқи савдода рақобат курашини чеклайдилар. Яширин молия капиталининг иқтисодиётдаги

монопол ҳукмронлиги орқали ўта катта даромадларни олишнинг яна бир оқибати аҳоли катта қисмининг қашшоқлашувидир. Учинчидан, яширин иқтисодиётнинг ривожланиши оқибатида мамлакатнинг бюджет тизими бузилади, унинг даромад ва харажатларини таъқиқлаш ёки камайтириш, чеклашлар юзага келади. Молия капитали гуруҳлари бюджет маблағларидан катта даромадлар олиш учун фойдаланадилар, бюджет маблағлари ва давлат мулки бўйича турли қинғир ишларни амалга оширадилар, давлатни бундай шароитларда молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун қарз маблағларини олишга мажбур этадилар. Шу билан бирга, бу воқелик иқтисодиётнинг реал сектори қисқариши, корхоналар кўп қисмининг синиши ва оқибатда, уларнинг деярли 30 фоизи банкротликка учрашига, учдан икки қисмини эса банкротлик ёқасига олиб келади. Тўртинчидан, яширин иқтисодиёт миллий даромадни истеъмол қилишига, фойданинг яширинча қайта тақсимланишига олиб келади. Яширин даромадларнинг ортиб бориши, уларни яшириш ишбилармонларга хизмат кўрсатувчи ноишлаб чиқариш тузилмаларининг юзага келишига сабаб бўлади. Аҳоли аксарият қисмининг турмуш фаровонлигини таъминловчи (халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ш.к.лар) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалари инқирозга юз тутади. Бешинчидан, яширин иқтисодиёт вакиллари ўз капиталининг асосий қисмини хорижга олиб чиқиб жойлаштирадилар. Экспертларнинг фикрича, биргина Россиядан олиб чиқиб кетилган капитал 150-300 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади<sup>119</sup>. Бу тизим барқарор равишда такрор ишлаб чиқилади ва бу такрор ишлаб чиқаришнинг бош механизми, шаклланган криминал молиявий капитал умумдавлат миқёсида иқтисодий-сиёсий қарорлар қабул қилишда амалда доминант ролига эга бўлиб, бошқа барча хўжалик субъектлари ичида юқори рақобатбардош бўлади. Яширин иқтисодиёт авж олган шароитда хўжалик субъектлари ҳокимиятда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида «ҳимоячи»лари йўқ бўлганлиги

---

<sup>119</sup> <http://refru.ru/capital.pdf>

учун охир-оқибатда банкротликка юз тутадилар. Корхоналар бозор иқтисодиёти шароитида таваккалига ишлайдилар, итоаткор бўладилар, тузилмаларида солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўлайдилар.

Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан “Иқтисодий эркинлик индекси-2020”да 26 поғона юқорилаб, 186 давлат орасида 114-ўринни эгаллади.

(Heritage Foundation) жамғармаси томонидан “The Wall Street Journal” билан ҳамкорликда тузиладиган мазкур рейтинг 1995 йилдан буён эълон қилиб келинади. Рейтингни ишлаб чиқишда таҳлилчилар 12 та омил — эғалик ҳуқуқи, суд самарадорлиги, ҳукумат жипслиги, солиқ юкламаси, давлат сарф-харажатлари, фискал сиёсат, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, монетар эркинлик, савдо эркинлиги, инвестициявий эркинлик, молиявий эркинлик кабиларни инобатга олишади<sup>120</sup>.

Афсус билан айтиш керакки, яширин иқтисодий фаолиятдаги пул айланмаси ҳозирги кунга келиб, дунё мамлакатларидаги ЯИМнинг 5-10% дан 50-60% гача бўлган миқдорини ташкил этмоқда<sup>121</sup>. ЯИМнинг 20%ни ташкил этадиган яширин иқтисодий фаолият ривожланаётган давлатлардаги кўрсаткични, ўтиш даврида бўлган давлатларнинг эса 15%ни, юқори даражада ривож топган давлатларнинг 40-50%ни ташкил этади<sup>122</sup>.

Яширин иқтисодиёт ҳажмини баҳолашнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд бўлиб, Марказий банк томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган монетар усуллар асосида Ўзбекистондаги яширин иқтисодиёт ҳажми баҳоланди. Жумладан, ҳисоб-китоблар 2018 йилда мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 44,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатди<sup>123</sup>. Бу эса республикаимизда яширин иқтисодиётга қарши кураш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини билдиради.

<sup>120</sup> <https://strategy.uz/index.php?news=891>

<sup>121</sup> Проблемы борьбы с новыми видами экономических преступлений.//Материалы «Regional Dialogue, G.Wedde» 2020 года. Академия Генеральной Прокуратуры Республики Узбекистан.

<sup>122</sup> Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики. № 4 (40).2011

<sup>123</sup> <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/65595--yashirin-iqtisodiyot-sabablar-tahlillar-chimlar>

Аслида, нақд пуллар 21-аср ахборот технологиялари асри учун эскирди. Бугунги кунда Канада, Швеция ва Буюк Британия мамлакатлари мисолида нақдсиз тўловлар такомиллаштирилиши ва нақд пуллар муомаласининг максимал даражада камайтирилиши натижасида иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан энг қуйи кўрсаткичларни қайд этаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу давлатларда валюта қора бозори деган тушунчанинг ўзи йўқ.

Демак, ушбу давлатлар тажрибасидан хулоса қилиш ва максимал даражада нақдсиз пул муомаласини кўпайтириш ва нақд пул ҳажмини имкон қадар камайтириш Марказий банк диққат қаратиши керак бўлган асосий жиҳатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Амалдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган<sup>124</sup>.

Фикримизча, қонун амалда ижросини топиши учун Республика ҳудудида нақд кўринишида хорижий валютани амалда бўлишини ўзи тушунарсиз ҳолат.

Дарҳақиқат, тан олиш керак нақд кўринишдаги хорижий валюталар кўп ҳолларда айнан ноқонуний фаолият юритувчи шахсларда, ўзининг қанча миқдорда маблағи борлигини расман ҳеч ким билмаслигини хоҳлайдиган коррупция вакилларида, контрабанда вакилларида, чайқовчи тадбиркорлар томонидан тез-тез фойдаланилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сон Президент Фармонида ташқи савдо соҳасида назорат тизимининг норматив базаси 2020 йилда 3 мингга яқин стандартлар билан тўлдирилиши, шунингдек харидоргир маҳсулотлар

---

<sup>124</sup> «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. ЎРҚ-573-сон 22.10.2019.

турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан шуғулланадиган хусусий трейдинг компаниялари фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўплами ишлаб чиқиши, чегараолди туманларида эркин савдо зоналарининг ташкил этилиши, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепцияси ишлаб чиқиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Қарори билан тасдиқланган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида” 2003 йил 20 майдаги Низомнинг 1-иловасида имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган 46 та давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) рўйхати назарда тутилган. Лекин бу рақамларнинг камлиги яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида янада халқаро алоқаларни мустаҳкамлашни назарда тутмоқда. 46 та давлат ва ҳудудлар янгиланиб бормаганлиги билан изоҳланади. М.Камалов ва М.Қурбонов ҳозирги кунда 200га яқин оффшор ҳудудлар мавжуд эканлигини илмий қарашларида акс эттирган<sup>125</sup>.

Яширин иқтисодиётни бартараф этиш учун “Ички савдони ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш керак<sup>126</sup>. Фикримизча, айнан шундай стратегиянинг йўқлиги хуфёна иқтисодиётни халқаро даражага етиб боришига сабабчи бўлган омиллардан бири. Бу ўз навбатида, тадбиркордан бошлаб мансабдор шахсларгача қўл келмоқда.

“Яширин иқтисодиёт” салмоғини иқтисодий усулларни ишлатган ҳолда уни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар сирасига:

1) иқтисодий фаолиятни легаллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;

---

<sup>125</sup> М.Камалов, М.Қурбонов; “Эркин иқтисодий зоналар ҳуқуқи” Дарслик: Т., ТДЮУ. 2018й. -239 бет.

<sup>126</sup> <https://www.fatf-gafi.org/publications/fatfrecommendations/documents/fatf-recommendations.html>

2) импорт қилинган товарлар ҳисоботларининг электрон тарзда шаклланишини таъминлаш;

3) айрим товарлар учун идентификация маркировка қилишнинг ягона тизимини жорий этиш ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш;

4) электрон тижорат фаолиятини қонунийлаштириш ва назорат қилиш механизминини жорий этиш;

5) нақд пулсиз ҳисоб-китобни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш, шу жумладан кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари олди-сотдиси ва бошқа йирик миқдордаги битимлар бўйича ҳисоб-китобларни банк орқали амалга ошириш учун қулай шароит яратиш;

5) тадбиркорлик фаолиятига давлат идоралари томонидан ноқонуний аралашув ҳолатларига қатъий йўл қўймаслик;

б) давлат органлари ишида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш назарда тутилади.

Энди бугунги макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш амалиётинини абстрактлаган ҳолда рақамли иқтисодиётга ўтиш муносабати билан кўрсаткичларни ахборот технологиялари ёрдамида тузиб, республика миқёсида “Блокчейн” маълумотлар базаси билан солиштириш натижасида кўлга киритиладиган натижаларни нисбий мисолда кўрсатиб ўтсак. Товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш натижалари қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: сотилиши ва маблағ ҳисоб рақамга тушиши, ўзида қайта ишлатилиши, жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар)га пули олинмаганлиги ва товарлар сотилмай омборхонада туриши. Демак, корхонадан бошлаб барча субъектлар иш фаолиятига баҳо бериш юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади. Маҳсулот сотилганлигини корхона ҳисоб рақамига тушган маблағ кўрсатса, жўнатилган, лекин пули олинмаган қарздорликни тижорат банкида махсус юритиладиган ҳисоб рақам, маҳсулотнинг хом ашё сифатида қайта ишлатилиши ва омбордаги тайёр товарлар ҳажми корхона бухгалтерия балансида қайд этилади. Ягона глобал

рақамли иқтисодиёт тизимига уланган ҳар қандай ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва қайта тақсимот шаффоф ҳолда кўринади. Худудлар ва вазирликлардан олинган ҳисоботлар “Блокчейн” маълумотлари билан солиштирилганда, қайси тизим ва ҳудудда банкдан ташқари айланмалар борлиги аниқ кўрсатиб берилади<sup>127</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт хавфсизлиги нуқтаи назаридан, яширин иқтисодиётга оид тадқиқотларни мунтазам олиб бориш лозим. Уни расмийлаштириш борасида кўпроқ маъмурий эмас, шундай иқтисодий механизмларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш лозимки, иқтисодиётнинг барча субъектлари учун яширин иқтисодиётда эмас, тўлиқ расмий фаолият юритиш каттароқ наф келтирсин. Бу масала барча Ҳамдўстлик давлатлари учун нафақат ўта мураккаб, балки ўта долзарб масаладир.

---

<sup>127</sup> <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotni-tugatish>



## ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишимиз доирасида шунга амин бўлдикки, кам даромадли давлатларда хуфёна иқтисодиёт ва коррупция аҳолига кўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам улар бир-бирини такрорлаб тураверади ҳамда тўлдириб боради. Натижада бундай давлатларда коррупцияга қарши курашиш доирасида нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам қарши курашиш чораларини талаб этади. Бу ҳолатда коррупцияга қарши курашишда комплекс чора-тадбирларда хуфёна иқтисодиётни ҳам бартараф этиш инobatга олинган бўлиши керак. Акс ҳолда фақат коррупциянинг ўзига қарши курашиш самара бермайди. Бундан ташқари, иқтисодиёт давлат томонидан қанчалик тартибга солинса, хуфёна иқтисодиёт ҳам шунчалик юқори даражада бўлади. Шунингдек, иқтисодиёт қанчалик жадал бошқарилса, бу эса коррупцияни юқорилаб боришига сабаб бўлади. Бунинг сабаби шундан иборатки, иқтисодиётда бошқарув инсон омилига боғлиқ бўлдими, индивиднинг қарашлари сингдими, демак коррупция шаклланади.

Коррупцияга қарши курашиш усули сифатида хуфёна ва норасмий иқтисодиётни бартараф этиш мақсадида халқаро тажрибага таяниб, миллий қонунчиликка бир нечта таклиф ва тавсияларни илгари сураимиз.

### **Назарий таклифлар:**

1. Назарий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, хуфёна тушунчаси қонунчилигимизда аниқ таъриф билан ёритилмаганлигини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда ”хуфёна иқтисодиёт” тушунчасига қуйидагича таъриф берилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз, яъни “хуфёна иқтисодиёт – бу амалдаги давлат қонунларини четлаб ўтган ҳолда, фуқаролар ўртасида ўзаро ривожланадиган ва асосланадиган ноқонуний иқтисодий фаолият туридан олинадиган, солиққа тортиб бўлмайдиган яширин даромадли иқтисодий фаолият” ҳисобланади.

2. Юқоридаги таклифга узвий боғлиқ бўлган тушунчалардан бири бўлмиш норасмий иқтисодиёт ҳақида ҳам қонунчилигимизда аниқ бир

таъриф келтирилмаган. Норасмий иқтисодиётга қўйидагича таъриф берилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз, яъни “норасмий иқтисодиёт – бу давлат томонидан тартибга солинган, унинг фаолиятини назорат қилиш механизмлари ишлаб чиқилган, кўрилган фойдадан солиққа тортиш назарда тутилган, аммо қонунга хилоф равишда норасмий ва ноошкора тарзда олиб бориладиган иқтисодий фаолият” ҳисобланади.

### **Институционал таклифлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенциясига қўшилган. Ушбу Конвенция бандларига кўра, бу ҳужжатни имзолаган ва қўшилган давлатлар доирасида Коррупцияга қарши курашувчи ягона орган бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги УРҚ-419-сонли Қонуни қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, Парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш хусусида таклифидан келиб чиқиб тузилиши режалаштирилган «Коррупцияга қарши курашиш» тузилмасига коррупция билан боғлиқ бўлган хуфёна ва норасмий иқтисодиётга қарши курашиш механизмларини ҳам бириктириб бериш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

2. Ҳозирги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, яширин иқтисодиёт улуши ортиб бораётганлигини, унинг латентлик ҳолати жуда ҳам яширин эканлигидан, давлатларнинг иқтисодий ривожланишига тўсик бўлаётганлигидан бу эса аҳоли турмуш даражасининг пасайишидан келиб чиққан ҳолда “Параллел молиявий тергов” институтини миллий қонунчилигимизга татбиқ этишимизни лозим деб биламиз. Бундан ташқари,

мақсад ва вазифалар сирасига давр талабидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги ҳолат юзасидан мол-мулклар даромад манбаига мувофиқ-номувофиқ эканлигини аниқловчи янги институт тузилишини мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Бунда бу институт Коррупцияга қарши курашиш ташкилотининг таркибий тармоғи сифатида қаралишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

3. “Давлат оранлари, ташкилотлари ва хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларнинг даромадлари ва мол-мулклари тўғрисида”ги Декларацияни мажбурий равишда тўлдириш амалиётини жорий этишдан иборат. Бундан кўзланган мақсад, барча мол-мулклар олинаётган даромадларга мувофиқ эканлиги текшириб борилади. Мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари, хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши очик ва шаффоф равишда кўриниб боради. Декларациянинг намунавий кўриниши иловамизнинг 3 жадвалида ўз аксини топган.

4. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи шахс штат-бирлигини жорий этиш.

5. Коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик назорати (шу ўринда блоггерлар) ролини ошириш ва уларни давлат ҳисобидан рағбатлантириш амалиётини жорий этиш.

6. Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши кураш экспертизасини ўтказиш тартиби Адлия вазирлигидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

### **Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:**

1. Жиноят кодексига қўйидаги мазмунда янги норма киритиш мақсадга мувофиқ: **243<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойиш**

*Мулки ёки харажатлари қонуний даромадидан ошиб кетадиган мансабдор шахс мулкнинг манбасини қонуний эканлигини исботлай олмаса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ноқонуний орттирилган мол-мулкнинг мусодара қилиниши билан жазоланади.*

2. Жиноят кодексининг 43-моддасига қўшимча тарзда и) банди қўйидаги тахрирда киритилиши мақсадга мувофиқ:

*и) мусодара қилиши – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши ва ноқонуний бойиши натижасида орттирилган бўлса.*

3. Жаҳон ҳамжамияти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, “яширин иқтисодиётга қарши курашиш стратегияси”ни йўқлиги унинг улушини ортиб бориш сабаби, деб изоҳлайди. Бундай стратегия “ички ва ташқи савдони ривожлантириш концепцияси”ни қамраб олган ҳолда йиллик “Дастур” сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Бу эса “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш”нинг янги тузилмасини жорий этишни тақозо этади. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий ва иқтисодий аҳволдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга берилиши назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларни берилиш тартибида инсон омилини минимал даражада пасайтириш, онлайн-электрон равишда бундай давлат имтиёзларини ажратилиш тартибини йўлга қўйилиши, экспорт-импорт товарлар учун тўлдирилиши лозим бўлган ҳужжатлар доирасини қисқартириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг турли ҳудудларда турлича амалиёт шаклланаётганлигига чек қуйиш ва субъективликка барҳам бериш назарда тутилади. Биринчи маротаба тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиш жараёни ҳам турли ҳудудларда турли равишда амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айнан ушбу Стратегия буларнинг барчасини унификация қилган ҳолда тартибга солади ва бундай Стратегияни Қонун доирасида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари яна шуни назарда тутишимиз керак бўладики, ушбу Стратегияга мувофиқ маълум бир муддат белгиланиши, бу муддат давомида барча яширин фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўз фаолиятларини қонунийлаштиришлари, давлат руйхатидан ўтишлари керак бўлади. Бунгача юритган фаолият даври учун ҳеч бир жавобгарлик назарда тутилмаслиги керак бўлади. Бундай ислоҳот бир пайтда

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ҳамда яширин иқтисодиёт улушини камайтиришга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.;
- 1.2** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль;
- 1.3** «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сонли Фармони. 2019 йил 27 май;
- 1.4** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: “Адолат”, 2018.;
- 1.5** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” Қарори. 2004 йил 21 май, 4-сон;
- 1.7** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” Қарори. 1998 йил 17 апрель, 11-сон;
- 1.8** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори;
- 1.9** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармони;
- 1.10** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони;

**1.11** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон Фармони;

**1.12** “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. ЎРҚ-573-сон 22.10.2019.

## **II. Китоблар, қўлланмалар, монографиялар ва тавсиялар**

**2.1** Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 529 бет.;

**2.2** М.Камалов, М.Қурбонов; “Эркин иқтисодий зоналар ҳуқуқи” Дарслик: Т.,ТДЮУ.2018й.;

**2.3** Ниёзова С. Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: ю ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 85-бет.;

**2.4** Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. 5-бет.;

**2.5** Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>;

**2.6** Каримов В. Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказидиган тезкор-қидирув тадбирлари. Қўлланма практикум,Т. 91-бет.;

**2.7** Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 55-бет.;

**2.8** Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 101-бет.;

- 2.9** Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>;
- 2.10** Нигмаджанов У. О. вопросах имплементации отдельных положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции в законодательство Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборотномаси, № 4 (36), 2018. 76-бет.;
- 2.11** Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари // <http://surxondaryo.adliya.uz>;
- 2.12** Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йули билан талон-торож қилиш: жиноят-хукукий ва криминалогик жихатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., -108 бет.;
- 2.13** Криминалистика: Дарслик / Т.В.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 380-бет.;
- 2.14** Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. 5-бет.;
- 2.15** Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. -176 бет.;
- 2.16** Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>;
- 2.17** Т.В.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. – Криминалистика: Дарслик / Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 380-бет.;
- 2.18** Gerxhani, Klarita (2003): The informal sector in developed and less-developed countries: A literature survey, Public Choice, 114/3-4, pp.295-318.
- 2.19** Echazu, Luciana and Pinaki Bose (2008): Corruption, Centralization, and the Shadow Economy, Southern Economic Journal, 75(2), 524-537.;



- 2.20** Абдурасулова Қ.Р. Криминология. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.26-28.;
- 2.21** Жиноятларни тергов қилишинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров,Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.;
- 2.22** Н.Тоштемиров,Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. Жиноятларни тергов криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма –Т.: .: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. 5-бет.;
- 2.23** Антонян Ю.М., Бородин К.В. Преступность и психические аномалии. – М.: ВНИИ МВД РФ, 1987. –С. 157.;
- 2.24** Dreher, Axel, Christos Kotsogiannis, and Steve McCorriston (2005): How do Institutions Affect Corruption and the Shadow Economy?, University of Exter Discussion Paper.;
- 2.25** Алауханов Е., Зарипов З. Профилактика преступлений – Алматы: Зан адебит: 2008.-376 с.;
- 2.26** Del’Anno, Roberto and Friedrich Schneider (2005): Estimating the Underground Economy by Using MIMIC Models: A Response to T.Breuschs Critic, Discussion Paper, Department of Economics, University of Linz,Linz.
- 2.27** Тўраев Ж. Ювенал адлия муаммолари.// Ҳаёт ва қонун. 2004. №3;
- 2.28** Волеводз А.Г. Межгосударственное сотрудничество в розыске, аресте и конфискации денежных редств и имущества, полученных преступным путем // Прокурорская и следственная практика. – 1998. -201 стр.;
- 2.29** Кофи А. Аннан. «Обновление Организации Объединенных Наций: программа для реформы». М., 1997. -54р.;
- 2.30** FATF (Financial Action Task Force on Money Laundering). Annual Report//materials on internet.;
- 2.31** Чернов С.Б. совершенствование государственной политики противодействия коррупции и теневой экономике. ГУУ;.2007.;
- 2.32** Проблемы борьбы с новыми видами экономических преступлений в США // Материалы «Regional Dialogue, G.Weddle» 2020 года.;

**2.33** Action against Economic Crime Cooperation Highlights 2018. Council of Europe | Seventh Annual ECCD Team Event.

### **Ш. Мақолалар, маърузалар, тезислар,**

**3.1** Неъматов Ж.А. Жиноий йўл билан топилган даромадни ошкорлаштиришга қарши кураш борасидаги жаҳон тажрибаси. «Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт» мавзусида халқаро илмий амалий конференция материаллари». Тошкент, 2001 йил. -100 бет.;

**3.2** Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий – криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дар. олиш учун дисс. автореферати. Т., 2002. -49 бет.

**3.3** Буров В. Ю. Экономическая безопасность субъектов малого предпринимательства в условиях теневых экономических отношений // Безопасность бизнеса. 2012г. -90 бет;

**3.4** Неъматов Ж.А. АҚШ қонунларида ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик. // қонун химоясида 8/2001 йил. - 106 бет.;

**3.5** Kaufmann, Daniel, Aart Kraay, and Massimo Mastruzzi (2007): Governance Matters VI: Governance Indicators for 1996-2006, World Bank Policy Research, Working Paper WPS 4280;

**3.6** Treisman, D. (2000): The causes of corruption: A cross-national study. Journal of Public Economics, 76, 399–457;

**3.7** Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/ЕЕС);

**3.8** Miller, Terry, Kim R. Holmes, with Anthony B. Kim, Daniella Markheim, James M. Roberts and Caroline Walsh (2008): 2008 Index of Economic Freedom, Washington, DC; -401p.;

**3.9** Ашубеков Т. Борьба с правонарушениями в сфере экономики // Законность. - 2000. - № 9. – С.9-13.;

- 3.10** Болотский Б.С. «Теневые» параметры реформируемой экономики // Рос. экон. журн. – 1996. -61-69б.;
- 3.11** Викторов И. Свободные экономические и оффшорные зоны // Законность. - 2000. - № 11.;
- 3.12** Кузнецова Т. Некоторые аспекты исследования неформальной экономики в России // Вопросы экономики, 1997. -69 стр.;
- 3.13** Assessment report on compliance with International standards in the anti-corruption (ac) area.2014; [www.coe.int/corruption](http://www.coe.int/corruption);
- 3.14** Matherials: “Ethics for the prevention of corruption in Turkey”; Academic researches on public ethics. Volume 2. [www.tornatasarim.com](http://www.tornatasarim.com).

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

- 4.1** Лопашенко Н.А. Некоторые проблемы наказания за преступления в сфере экономической деятельности // Законность. - 1997. -109 стр.;
- 4.2** Тосунян Г.А., Иванов Э.А. Влияние законодательства на теневой и криминальный оборот капитала в России // Гос. и право. – 2000 -129стр.;
- 4.3** Латов Ю. В., Ковалев С. Н. Теневая экономика. М., 2006. -148 стр.;
- 4.4** Попов Ю. Н., Тарасов М. Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства. М., 2005. -160 стр.;
- 4.5** V. P. Kirilenko, R. V. Dronov Corruption and Its Correlation to Shadow Economy. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru);
- 4.6** Aleksandr V. Ashcheulov. On the Effect of the Shadow Economy on the Development of the Region. Российское предпринимательство, 2011, № 2 (1);
- 4.7** Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики. № 4 (40).2011 -40 стр.;
- 4.8** Schneider, Friedrich (1997): The shadow economies of Western Europe, Economic Affairs, 17/3, pp. 42-48;
- 4.9** Schneider, Friedrich (2003): The shadow economy, in: Charles K. Rowley and Friedrich Schneider (eds.), Encyclopedia of Public Choice, Dordrecht: Kluwer Academic Publishers;

**4.10** Schneider, Friedrich (2005): Shadow economies around the world: what do we really know?,-81p.;

**4.11** European Journal of Political Economy, 21(3), September, pp. 598-642.;

**4.12** Schneider, Friedrich (2006): Shadow economies and corruption all over the world: what do we really know?, CESifo Working Paper No. 1806.;

**4.13** Paldam, M. (2003): The cross-country pattern of corruption: Economics, culture and the seesaw dynamics. European Journal of Political Economy.-215 с.

## **V. Хорижий манбаалар**

**5.1** Пулни легаллаштиришга қарши сиёсий декларация ва режа / Пул ювишга қарши глобал дастур. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси. Нью-Йорк, 10 июнь 1998 йил. 1-6-бет;

**5.2** Концепция Федерального Закона РФ «Об ответственности за легализацию преступных доходов»;

**5.3** Голубовский В.Ю., Кикоть В.Я., Калачев Б.Ф., Моднов И.С. Организованные преступные группировки в российском наркобизнесе на рубеже XXI века (концептуальное исследование и предложения): Учебное пособие. – СПб.: Издательство «Лань», ВНИИ МВД РФ, 2000.; -91 стр.;

**5.4** Easton S. The Size of the Underground Economy: A Review of the Estimates. Simon Fraser University. Jan. 2001.; -84p.;

**5.5** Lackó Mária (1996): Hidden economy in East-European countries in international comparison, Laxenburg: International Institute for Applied Systems Analysis (IIASA), working paper. -146-149pp.;

**5.6** Kazemier, Brugt, (2005a), The Undergroud Economy: A Survey of Methods and Estimates Discussion Paper, Statistics Netherlands, Voorburg, Netherlands.;

**5.7** Kaufmann, Daniel and Kaliberda, Aleksander (1996), Integrating the unofficial economy into the dynamics of post socialist economies: A framework of analyses and evidence, in: B. Kaminski (ed.), Economic Transition in Russia and the New States of Eurasia, London: M.E. Sharpe, pp.81-120.

## **VI. Интернет сайтлар**

- 6.1** <https://www.icqc.eu/index.php?choosed=ru/certification/european-anti-fraud-office;>
- 6.2** <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats7/sent12.htm;>
- 6.3** [http://www.erudition.ru/referat/printref/id.22569\\_1.html;](http://www.erudition.ru/referat/printref/id.22569_1.html;)
- 6.4** [http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja\\_istorija/doc.;](http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja_istorija/doc.;)
- 6.5** [www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.;](http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.)
- 6.6** [www.accaglobal.com;](http://www.accaglobal.com;)
- 6.7** [www.theworldbank.org;](http://www.theworldbank.org;)
- 6.8** [https://www.minjust.uz/uz/library/human\\_rights/72859/;](https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/)
- 6.9** [www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_asosiy\\_tezislar;](http://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar;)
- 6.10** [https://complyadvantage.com/knowledgebase/anti-money-laundering/aml-compliance-officer/;](https://complyadvantage.com/knowledgebase/anti-money-laundering/aml-compliance-officer/)
- 6.11** <https://www.coe.int/en/web/greco/about-greco;>
- 6.12** <https://www.fatf-gafi.org/pages/moneyval.htm;>
- 6.13** [https://www.iaaca.net/;](https://www.iaaca.net/)
- 6.14** <https://www.oecd.org/general/38464001;>
- 6.15** <https://www.accaglobal.com/gb/en.html;>
- 6.16** <https://egmontgroup.org/en/search/google/shadow%20economy;>
- 6.17** <https://publicsearch.coe.int/#k=shadow%20economy#f=%5B%5D#s=51;>
- 6.18** <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/141;>
- 6.19** <https://rm.coe.int/project-against-economic-crime-in-kosovo-peck-final-narrative-report/16806d0f30;>
- 6.20** [www.zakon.kz;](http://www.zakon.kz;)
- 6.21** <http://refru.ru/capital.pdf;>
- 6.22** <https://strategy.uz/index.php?news=891;>
- 6.23** <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/65595--yashirin-iqtisodiyot-sabablar-tahlillar-chimlar;>

## ИЛОВАЛАР

Ялпи ички маҳсулот (млрд.сўм)<sup>128</sup>

(1А жадвал)

Йиллар	1 чорак	2 чорак	3 чорак	йиллик
2001 й.	728,6	1 670,4	3 179,4	4 925,3
2002 й.	1 162,0	2 741,5	4 978,9	7 450,2
2003 й.	1 620,0	3 718,6	6 649,2	9 844,0
2004 й.	2 029,7	4 542,3	8 255,6	12 261,0
2005 й.	2 544,2	5 857,8	10 429,4	15 923,4
2006 й.	3 307,3	7 826,8	13 982,4	21 124,9
2007 й.	4 205,4	10 115,6	18 230,7	28 190,0
2008 й.	5 724,3	13 596,2	24 698,0	38 969,8
2009 й.	8 219,4	18 855,9	32 737,6	49 375,6
2010 й.	10 385,3	25 216,6	41 274,0	62 388,3
2011 й.	13 960,8	32 994,6	53 120,9	78 764,2
2012 й.	17 348,1	41 509,7	66 193,5	97 929,3
2013 й.	21 257,2	50 450,9	82 990,6	120 861,5
2014 й.	25 687,9	60 678,0	99 796,4	145 846,4
2015 й.	33 591,4	78 848,3	124 311,8	171 808,3
2016 й.	38 896,1	90 768,5	143 454,2	199 993,4
2017 й.				302 536,8*
2018 й.				407 514,5*

**Корхона ва ташкилотлар томонидан 2019 йил давомида фойдаланган солиқ имтиёзлари тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари кесимида маълумот(1-жадвал)**

№	Имтиёз тури	Жами имтиёздан фойдаланганлар сони 61178 та (млн.сўм)
1	Солиқ кодексига асосан	11546979,3
2	Президент қарорига асосан	8734667,9
3	Президент Фармониغا асосан	580807,7
4	Президент фармойишига асосан	38062,8
5	Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан	982615,2
6	Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан	1107,1
7	Алоҳида қарорларга асосан	733055,0
8	Бошқа Қонунларга асосан	90253,1

**Жами имтиёз суммаси: 22707548,0**

*Рақамлар шунини кўрсатмоқдаки, республика бўйича 2019 йил ўтган давр давомида жами 61178 та солиқ тўловчилар томонидан 22707548,0 млн. сўмлик солиқ имтиёзлардан фойдаланган.*

<sup>128</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Корхона ва ташкилотлар томонидан 2019 йил давомида фойдаланган солиқ имтиёзлари тўғрисида солиқ турлари кесимида маълумот (2жадвал)**

№	Солиқ тури номи	Сони	Сумма (млн.сўм)
1	Қўшилган қиймат солиғи	4 572	14 989 499,8
2	Фойда солиғи	1 287	1 700 383,6
3	Ягона солиқ тўлови	13 785	1 325 661,1
4	Ер солиғи	2 496	1 154 046,7
5	Мулк солиғи	1 495	897 268,5
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	103	797 971,2
7	Мажбурий ажратма	1 098	792 584,1
8	Ягона ижтимоий тўлов	33 992	495 795,9
9	ЖШларнинг даромад солиғи	26 425	393 062,0
10	Дивиденд	180	131 635,6
11	Ягона ер солиғи	6 157	29 639,6

**Жами** 61 178 22 707 548,0

*Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, фойдаланилган солиқ имтиёзларини асосий қисми ягона солиқ тўлови 13785 та, ҚҚС 4572 та, даромад солиғи 26425 та, ягонга ижтимоий тўлов 33992 та ва ягона ер солиғидан 6157 та корхона томонидан фойдаланган.*

**МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ<sup>129</sup>**

Жорий йилнинг 3 оyi давомида республика бўйича жами 87 та жиноят иши бўйича 115 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 4 нафари вилоят ва 111 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 50 нафари ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 21 нафари пора олиш (бериш) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 7 нафари фирибгарлик, 6 нафари мансаб сохтакорлиги, 3 нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 1 нафари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва 27 нафари бошқа жиноятларни содир этишган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 51,3 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 18,3 млрд. сўми ундирилган.

<sup>129</sup> <https://t.me/uzbprokuratura>

**Жиноят қончилигидаги яширин иқтисодиётга оид жиноятлар ЖК моддалари  
кесимидаги рўйхат асосида**

- 1) Одам савдоси (ЖК 135-моддаси.)
- 2) Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167- моддаси);
- 3) Жинойий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси)
- 4) Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш (ЖК 176-моддаси);
- 5) Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЖК 177-моддаси)
- 6) Сохта тадбиркорлик (ЖК 179- моддаси);
- 7) Қасддан банкротликка олиб келиш (181<sup>1</sup>-моддаси);
- 8) Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси);
- 9) Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖК 188-моддаси);
- 10) Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият (ЖК 188<sup>1</sup>-моддаси);
- 11) Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш (ЖК 192<sup>1</sup>-моддаси.);
- 12) Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси.)
- 13) Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (ЖК 192<sup>4</sup>-моддаси.);
- 14) Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 192<sup>5</sup>-моддаси.);
- 15) Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш(ЖК 192<sup>6</sup>-моддаси.);
- 16) Чет эл валютасини яшириш (ЖК 178-моддаси);
- 17) Банкротликни яшириш (ЖК 181-моддаси.);
- 18) Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш (ЖК184<sup>1</sup>-моддаси.);
- 19) Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси);
- 20) Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 182-моддаси)
- 21) Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 183-моддаси)
- 22) Қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш (ЖК 185-моддаси)
- 23) Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси)
- 24) Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЖК 186<sup>2</sup>-моддаси)
- 25) Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, саклаш, ташиш ёки ўтказиш шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш (ЖК 186<sup>3</sup>-моддаси)
- 26) Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (ЖК 189-моддаси)
- 27) Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш (ЖК 190-моддаси)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_ йил  
\_\_\_\_\_да қабул қилинган

Сенат томонидан \_\_\_\_ йил 09 \_\_\_\_\_да  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) Кодекснинг 43-моддасига қўшимча киритилсин:**

*“и) мусодара қилиши – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши ва ноқонуний бойиши натижасида орттирилган мол-мулк бўлса”;*

**2) Кодекс янги 243<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:**

**243<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойиш**

*“Мулки ёки харажатлари қонуний даромадидан ошиб кетадиган мансабдор шахс мулкнинг манбасини қонуний эканлигини исботлай олмаса, уч йилдан беш йилгача озоликдан маҳрум қилиши ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши билан жазоланади”.*

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш.М.Мирзиёев**

**“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги  
Қ И Ё С И Й Ж А Д В А Л**

Амалдаги тахрир	Янги тахрир	Асос
Амалдаги кодексида бундай модда мавжуд эмас	<p><b>Жиноят кодексининг 43-моддаси и) банди:</b>  <i>и) мусодара қилиш – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва ноқонуний бойиш натижасида орттирилган бўлса;</i></p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилида “ноқонуний бойиш” жиноят деб тан олинмаган. Бундай норманинг қонунчилигимизда ҳам йўқлиги коррупцияни шаклланишига олиб келаётган сабаблардан бири деб айтишимиз мумкин. Бунда айнан бир шахснинг фаолияти, унинг турмуш тарзи, даромад манбаи, оилавий шароитлари каби мезонлар асосида унинг орттирган бойлигига ҳуқуқий баҳо бериш орқали аниқланади. Уйлаймизки, бундай норманинг киритилиши расмий сектордагилар учун коррупциянинг камайишига ҳамда яширин секторда фаолият юритувчиларнинг хуфёна фаолият билан шуғуланишларини бартараф этишга олиб кела олади. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу маълумотларни келтиришимиз мумкин, Аргентина давлатида 1964 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 286-моддасида, Хиндистон давлатининг 1988 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида, Хитой Халқ Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 395-моддасида назарда тутилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси”нинг 20-моддасида ҳам “ноқонуний бойиш” жиноят деб тан олинган. Натижада Ушбу Конвенцияни имзолаган аксар давлатлар ўз қонунчилигида “ноқонуний бойиш” учун жиноий жавобгарликни белгиладилар.</p>
Амалдаги кодексида бундай модда мавжуд эмас	<p><b>243<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойиш</b>  <i>Мулкни ёки харажатлари қонуний даромадидан ошиб кетадиган мансабдор шахс мулкнинг манбасини қонуний эканлигини исботлай олмаса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ноқонуний орттирилган мол-мулк мусодара қилиниши билан жазоланади.</i></p>	<p>Коррупцион ҳаракатлар, жиноий фаолият натижасида ҳамда ноқонуний бойиганлиги юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида аниқланадиган мол-мулклар, шунингдек “Даромадлар ва мол-мулклар тўғрисида”ги Декларацияга қасдан киритилмаган мол-мулклар Жиноят кодексинининг 43-моддасига асосан мусодара қилинади. Юқоридаги қонуний тус берилмаган ва берилиши ҳам мумкин бўлмаган муайян мулк мусодара этилиши лозим. ЖКнинг 42-моддасида “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади” деб белгиланган. Бундай нормадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мусодара институти амалиётга жорий этиладиган бўлса, бошқа шахсларнинг бундай жиноят содир этишининг олди олинади.</p>

